

# الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء السادس عشر)

تأليف:

أنور أحد

## «Ҳикматлар – саодатга етаклар»

(Ўн олтинчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:  
**Анвар Аҳмад**

Тошкент:  
2017 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати илин инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни вахий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субханаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикли Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан рух пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланаб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фахм ва топқирлиқдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қўйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган дараҷада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

**«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ Фаний ва мақтовга сазовор Зотдир»** (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айrim ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ

келтириши, Куръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Куръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

**«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни покладиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик»** (Бақара сураси, 151-оят).

Ха, Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматdir. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оядаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Фаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишига, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз назидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласиган.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ха», деб жавоб беришибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр бахш эта оловчи китоблар ичидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиши бошқа ҳалқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаған устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz) сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлидан илҳомланган мухтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Кўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини кўллаб-куvvatлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи ҳалқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- (1) ثقہ نفسك
- (2) کلام من القلب
- (3) حد الحکمة
- (4) بستان الحکماء
- (5) ثقافة حول العالم
- (6) الموسوعة بوك
- (7) ثقافة وعلوم
- (8) حکمة الیوم
- (9) طریق الجنة
- (10) أقوال أعجبتني
- (11) كنوز من الحكمة
- (12) ذکر الله
- (13) عذب الكلام
- (14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зоро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчидаги таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хуласа шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оиласиб баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Ҳикматлар – саодатга етаклар» "الحکم - تقدیم إلی السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юкорироқ савияда тақдим этиб боришлирида Ўзи мададкор бўлсин.

**قال عمر بن الخطاب:**  
**لو تأدي مناديًا في السماء إن جميع**  
**الارض في الجنة إلا واحداً لظنت أنه أنا.**

رضي الله عنه

تأمل .. القائل هو مبشر بالجنة فماذا عنا؟

3334. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Осмонда бир жарчи: «Ер юзидаги ҳамма жаннатга тушади, фақат бир киши тушмайди», деб нидо қилса, ўша бир киши менмасмиканман, деб ўйлайман».

Бу сўзларни жаннатга кириши башорат қилинган зотлардан бири айтяпти. Бир ўйлаб кўрайлик!




3335. Инсоннинг гап-сўзлари ундаги фазилат ва ақлнинг таржимонидир. Гўзал амалларни кўпайтириб, уларни оз-оздан кўпчиликка тақсимла. Фазилат – тилга эга бўлиш ва эҳсон беришдир. Жим туришга одатлан, шунда чин дўстликка эришасан, ёмон оқибатлардан омон бўласан, виқор либосини киясан ва узр сўраш заҳматидан тўсиласан.

«Унваанул байаан» китобидан




### 336. Ҳаётда қандай яшамоқдасан?


- Умидсизликка тушма! Умидсизлик Аллоҳнинг раҳматига ношукрлик бўлади.
  - Ғазабланма! Ғазаб фазилатларни барбод қиласди.
  - Кек сақлама! Кек сақлаш ҳаётнинг гўзаллигини ўчириб юборади.
  - Маҳзун бўлма! Маҳзунлик жисмга ҳам, асабга ҳам талофат етказиб, чидаб бўлмас ғам-ғуссага гирифтор қиласди.
  - Замонлар тасарруфи Аллоҳнинг қазо ва қадар салтанати остида эканини унутма!
- Атрофингдаги воқеаларга бепарво бўлма!  
Бошқаларга самимий хамдард бўлиш – инсоний хусусиятлардандир.
- Ҳаргиз худбин бўла кўрма!  
Бошқаларга яхшиликни раво кўриш (ийсор) инсоний фазилатларнинг энг гўзалидир.



3337. Дунё ўзгариб туради. Сенга фойда бўладиган нарса ожиз бўлсанг ҳам келаверади. Сенга заарар бўладиган нарса бор кучинг билан қайтарсанг ҳам келаверади.



3338. Мўмин билан кофир дengizga тушса, сузишни билган одам ғарқ бўлишдан қтулиб қолади. Аллоҳ жоҳилнинг ёнини олмайди, аммо сузишни билмайдиган мусулмон ғарқ бўлади, сузишни биладиган кофир қтулиб қолади.



3339. Тарихдан керакли сабоқ олишни билмаганлар тарихнинг яна такрорланишига маҳкумдирлар.




3340. Шеър:

Пайғамбар алайҳиссалом наслидан бўлган Боқир Муртазо: «Хунук сўз пасткашларнинг қуролидир» деганида минг бор хақ эди.

«Унваанул байаан» китобидан



3341. Сабр – тақдирга битилган нарса учун ғазаб қилмаслик, тилни шикоятдан түхтатиши ва тана-аъзоларни гуноҳ ва маъсиятдан тўсишdir.



3342. Хатодан чекинмасликнинг ўзи айни хатодир!



3343. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг гапига улар истамаган ҳолда қулоқ тутган одамнинг қулоқлариға әритилған қалай қуйилади», дедилар.

*Абу Довуд ва бошқалар ривоят қилған.*

## فوائد من عدة الصابرين

**أهل البلاء هم أهل المعصية**  
**وان عوفيت أبداً منهم**  
**وأهل العافية هم أهل الطاعة**  
**وان مرضت أبداً منهم.**

3344. Гуноқкорлар зоҳиран оғиятда бўлса ҳам, аслида улар балога гирифтор бўлиб бўлган. Тоат-ибодат аҳли зоҳиран касал бўлса ҳам, аслида оғиятдадир.



3345. Болажоним! Аҳмоқ билан дўстлашма, чунки у сенга фойда бераман деб, заарар етказиб қўяди. Ёлғончи билан дўстлашма, чунки у узғингни яқин қиласман деб, яқинингни сендан узоклаштиради. Бахил билан дўстлашма, чунки унга мухтож бўлганингда сендан узоклашади. Фожир билан дўстлашма, чунки у сени арзимаган нарсага сотиб юборади.

«Унваанул байаан» китобидан



3346. Ўтмишни унутгин, лекин ундан олинган сабоқни унутма!



[المدارج / ٧١ / ٢]



3347. Вакти-вақти билан ўзини ўзи айблаб турмаган одам ғууррга кетиб қолибди.



ماجد زكي

لا تيأس إذا تأخر الفرج ... فإنه  
قادم - بإذن الله . ولكن الذنوب  
تؤخره

واستغفر من ذنوبك ليأتيك الفرج


3348. Күшойиш кечикиб кетса ноумид бўлма, чунки у ҳам Аллоҳнинг изни билан келади. Аслида күшойиш гуноҳлар сабабли кечикади. Шундай экан, гуноҳларингга истиффор айт, албатта күшойиш топасан.



3349. Бир нарсага қандай хоҳласанг, шундай муносабат билдиравер. Лекин:

1. Қалбингни кароҳият ва нафратдан сақла.
2. Ақлингни йўқотиб қўйма.
3. Нафсингни шайтоний истак ва хоҳишлардан сақла.
4. Тилингни ёмонликдан сақла.
5. Қўлингни душманликдан сақла.

*Ҳабиб Али Жифрий*



3350. Ким тилини тўғри қилса, ақли ўсади. Ким гапини тузатса, фазилати равшанлашади. Ким яхшилигини миннат қилса, шукрини йўқотади, ким мулойимлиги билан мағрурланса, савобидан маҳрум бўлади. Кимнинг гапи рост бўлса, чиройи зиёда бўлади.

«Унваанул байаан» китобидан



3351. Муваффакиятсизлик – ақл-заковатни күпроқ ишлатиб, ҳаммасини янгитдан бошлаш учун берилган фурсатдир!



3352. Гуноҳ содир бўлса, унинг қалбга таъсири худди кийимга теккан ёғ каби бўлади. Агар ёғни тез ювиб ташланмаса, кийимга ёйилиб кетади (*худди шунингдек, гуноҳ*

учун ҳам тез тавба қилиб, истизфор айтилмаса, унинг кири қалбга ёйилиб кетади).



### 3353. Энг қисқа сафар

«У Зот (инсонни хақир) нутфадан яратиб, сўнг Ўзи уни(нг она қорнидаги ривожини ва ой-кунини) белгилаб қўйди. Сўнгра чиқиш йўлини осон қилди. Сўнгра унга ўлим бериб, қабрга киритди» (*Абаса сураси, 19-21-оятлар*)



3354. Ким хонадонига барака тушишини хоҳласа, уйига кирганда аҳли оиласига салом берсин!

Анас розияллоху анхудан марфуъ ҳолда ривоят қилинади:  
**Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Болажоним! Уйингга кирганингда салом бергин. Шунда ўзинг учун ҳам, аҳли оиланг учун ҳам барака бўлади», дедилар.**

*Имом Термизий ривояти қилиб, ҳасан ва ғариб ҳадис, дедилар.*



3355. Жавоби сени хафа қиладиган, айби сенга зарар етказадиган гапни ҳаргиз айтма. Ҳар бир сўзнинг жавоби, ҳар бир гўзал амалнинг савоби – мукофоти бор. Ташлаб юбориладиган гапни гапирма, қайтаришган ишни қилма. Тилингни тий. Аммо ҳақни изоҳлаш, бузуқни тузатиш, бир сўзни тушунтириб, шарҳлаш ёки бир яхшиликни ёйиш учун тилингга эрк беравер. Кишининг айтган гапи унинг ақли қандайлигига, қилган иши эса унинг кимлигига далолатdir.

*«Унваанул байаан» китобидан*



د أَحْمَدُ عِيسَى الْمَعْسَرَوِي

### حكمة احتفظ وطبقها

قال ابن حزم رحمه الله :  
”ليس كل صديق ناصحاً لكن  
كل ناصح صديق.“

[الأَخْلَاقُ وَالسَّيْرُ ٤٢]

3356. Ибн Ҳазм роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Дўстман деганларнинг ҳаммаси ҳам самимий бўлавермайди. Аммо самимий одамларнинг ҳар бири дўстdir».



3357. Саҳл ибн Абдуллоҳ айтдилар:  
Беш нарса кишининг қимматбаҳо гавҳар эканига далилдир:

1. Ўзини беҳожат қилиб кўрсатадиган камбағал киши.
2. Ўзини тўқ қилиб кўрсатадиган оч киши.
3. Ўзини хурсанд қилиб кўрсатадиган маҳзун киши.

4. Ўртада адоват бўлса ҳам, муҳаббат изҳор қиладиган киши.

5. Кундузи рўзадор, кечаси ибодатда бедор бўлса ҳам, заифлашиб қолганини билдиrmайдиган киши.



3358. Тавозеда ҳаддан ошиш хорлик келтиради.



غاری میلر

### الإعجاز في سورة المسد

اشتملت سورة المسد على إعجاز بديع، وهو إعجاز استوقف حتى غير المسلمين من الباحثين، ومنهم الدكتور الكندي غاري ميلر، الذي تحدث قبل إسلامه في مقطع فيديو عن هذه السورة. ووجه الإعجاز أنّ السورة تتباين بأن أبا لهب سيدخل النار. وكان يمكن لأبي لهب أن يُحرج الرسول ويُكذب القرآن لو أعلنَ إسلامه، لكنه لم يفعل، رغم أنه عاش عشر سنوات بعد نزول سورة المسد.

3359. Масад сурасининг мўъжизаларидан бири:  
Масад сурасида бир ажойиб мўъжиза бор. У ҳакда ҳатто мусулмон бўлмаган тадқиқотчилар ҳам тўхталиб ўтишган


экан. Бир видеолавҳада канадалик доктор Гарри Миллер Исломга киришидан олдин бу ҳақда шундай деган:

«Бу сурадаги мўъжиза шундаки, Масад сураси Абу Лаҳабнинг дўзахга тушиши ҳақида олдиндан хабар берган. Шундан кейин Абу Лаҳаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, Исломга кирганини эълон қилиб, Қуръонни ёлғонга чиқариши мумкин эди-ку? Аммо Масад сураси нозил бўлгандан кейин ўн йил яшаган бўлса ҳам, у бундай қилмаган».



3360. Кўп гап – қулоққа малолдир, кўп сўрайвериш – рад жавобини олишга сабабдир.


«Унваанул байаан» китобидан




3361. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ерга тўртбурчак чиздилар. Ўртасига ундан ташқариға чиқадиган қилиб бир чизик чиздилар. Мана шу ўртадагисининг икки ёнига кичкина чизиқлар чиздилар ва шундай дедилар: «Мана бу инсон. Мана бу уни ўраб турдиган [ёки ўраб турган] ажали. Мана бу, ташқаридагиси – унинг орзулари. Мана бу кичик чизиқлар кўргиликлар. Буниси тегмай қолса, униси домига тортади, униси тегмай қолса, буниси домига тортади».

*И мом Бухорий ривояти.*





3362. Набавий табобат фақат солиҳ ва покиза баданга мувофиқ келиб, фойда беради. Шунингдек, Қуръоннинг шифоси ҳам фақат покиза руҳиятга ва тирик қалбларга фойда бўлади. Набавий тиббиётдан юз ўгириш қуръоний шифодан юз ўгиришдир. Қуръон мукаммал шифо берувчи даводир. Аммо табиати бузук, яроқсиз, тош қотган қалбларга Қуръон наф бермайди.

Аллоҳ тавфиқ берсин!

«Тиббун набавий» китобидан




3363. Нух алайхиссаломга ўлим келган пайтда: «Дунё қандай экан?» деб сўрашди. У зот: «Икки эшиги бор ҳовли экан. Биридан кириб, иккинчисидан чиқиб кетаётгандекман», дедилар.

Ривоятларга кўра, Нух алайхиссалом 950 йил умр кўрганлар.



3364. «У ҳузурига кўзи ожиз киши келгани учун қовоғини солиб, юзини бурди» (*Абаса сураси, 1-2-оятлар*).

Кўзи кўрмайдиган одамга қовоқ солиш ман этилган экан, кўзи кўрадиганларга қовоқ солиш қандай бўларкин?



3365. Болажоним! Кўп зиёрат малоллик келтиради. Синовдан олдинги хотиржамлик эҳтиёткорликнинг зиддидир.  
 «Унваанул байаан» китобидан




3366. Борар манзили яқинлашса ҳам, сафари қариб қолса ҳам залолатда юрган киши одамларнинг энг аҳмоғидир.



3367. Имом Аҳмад имом Шофеъийдан, у зот имом Моликдан, у зот Муҳаммад ибн Ажлондан ривоят қиладилар:

«Мұхаммад ибн Ажлон: «Олим одам «Билмайман» деган сүзни унутса, ҳалок бўлгани шу!» дедилар.



3368. Индамай жим туравериш унутувчанликдир. Ер ҳам жим, лекин унинг қаърида минглаб вулқонлар бор!



3369. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламда Аллоҳга тақво қилиш ҳам, ҳусни хулқ ҳам мужассам бўлган.


Аллоҳга тақво қилиш банда билан Роббнинг орасини ислоҳ қиласди. Ҳусни хулқ эса инсоннинг бошқа инсонлар билан орасини ислоҳ қиласди.

Аллоҳга тақво қилиш Аллоҳнинг севгисига сазовор қиласди. Ҳусни хулқ эса Аллоҳни севишга чақиради.



3370. Жим туриш – фазилат белгиси, ақлнинг самараси, илмнинг зийнатидир, айни ҳалимликдир. Кўп сукут қилсанг, саломат бўласан. Сен сукутга ҳамроҳ бўлсанг, ҳурмат-эътибор сенга ҳамроҳ бўлади.

*«Унваанул байаан» китобидан*



3371. Ким дунёга ошиқ бўлса, унинг қадри-қимматига эътибор берса, дунёнинг хизматкорига, қулига айланиб, хор бўлади. Ким дунёдан юз ўгириб, ўзининг қадр-қимматига эътибор берса, дунё унга хизмат қиласи ва унинг олдида хор бўлади.



3372. Роҳат мол-дунёнинг кўплигига эмас, ҳолатнинг гўзаллигидадир (аҳвол ёмон бўлиб турса, мол-дунё татимайди).



3373. Иброҳим Ҳарбий роҳимаҳуллоҳ айтдилар:  
Кўмир теккан кийим қорага бўялганидек, бало-офатга бўялиб қолмасидан фарзандингизни ёмон ўртоқлардан узоқлаштиринг.



3374. Хоғиз Ибн Асокир ўзининг тарих китобида ривоят қиласиди:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким илмсиз фатво берса, уни еру осмон фаришталари лаънатлайди», дедилар.**



3375. Хурматсизлик билан гапирган кишига уятсизлик билан жавоб берилади. Кам гапирсанг саломат бўласан, кўп уялсанг, хурмат топасан. Кишининг айтгани қанчалик гўзал бўлса, эшитадигани ҳам шунчалик гўзал бўлади.

**«Унваанул байаан» китобидан**



3376. Илмнинг рухга боғлиқлиги рухнинг баданга боғлиқлигига ўхшайди. Ўлик жасад рух билан тирик бўлганидек, ўлик рух илм билан тирик бўлади.

Бой одам мол-дунёси билан жасадининг ҳаётини узайтиришга интилади. Қалб ва рухнинг ҳаёти эса илмдир.



3377. «Уларнинг (фордаги йигитларнинг) ити эса оёқларини оstonага ёзиб ётарди» (*Ka�f surası, 18-oyat*).

Солих зотларга бирозгина ҳамроҳ бўлган ит тарихда абадий қолди. Шундай экан, солихлар орасида униб-ўсган бандани Аллоҳ нима учун зое қилсин?



3378. Сени нима жаннатга киритишини билмайсан!

Эҳтимол, кўз ёшингдир? Балки табассуминг, ширин сўзингдир? Ёки садақанг, тиловат қилган ояting, тасбеҳингдир? Балки соғлом қалбингдир?

Олий ҳиммат соҳиблари ўзларида ана шу сифатларнинг барчасини мужассам қиласидилар...




3379. Инсон ҳар куни уч хил офатга тўқнаш келади, аммо уларнинг бирортасидан сабоқ олмайди:

1. Умри ҳар куни камайиб боради, аммо бунга эътибор бермайди. Бироқ мол-мулкидан бирор нарса камайса, бутун дикқат-эътибори шунда бўлади. Ваҳоланки, мол-мулкнинг ўрнини босувчи нарса бор, аммо умрининг ўрнини босувчи нарса йўқ.

2. Ҳар куни Аллоҳ ато қилган ризқни ейди. Ўша ризқ ҳалолдан бўлса, у ҳақда сўралади, ҳаромдан бўлса, жазога тортилади. Аммо инсон бу ҳисоб-китобнинг охири қандай бўлишини билмайди.

3. Ҳар куни охиратга бир миқдор яқинлашиб, дунёдан бир миқдор узоклашади. Шундай бўлса ҳам, фоний дунёга эътибор берганчалик боқий охиратга эътибор бермайди. Ваҳоланки, оқибати олий жаннатми ёки дўзахнинг қаърими, буни билмайди.

Аллоҳим! Бор-йўқ ташвишимиз ҳам, илмимизнинг етган жойини ҳам қуруқ дунё қилиб қўйма! Борар жойимизни дўзах қилиб қўйма, манзилимизни жаннат қилгин!



3380. Ҳужжатлашлашаётган, ҳақлигингни исботлаётган бўлсанг, гапинг чала қолмасин. Қайсарлигинги тутиб қолса, гапинг чўзилиб кетмасин. Ҳужжатлашлашаётганда гапинг қисқа бўлиб қолса, рақибнинг қўли баланд келади, ҳадеб қайсарлик қилаверсанг, сухбатдошлар сендан безор бўлади.

«Унваанул байаан» китобидан



3381. Бахтили ҳаётнинг энг мухим сирларидан бири қаноатдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бойлик матаҳнинг кўплигига эмас, нафснинг тўқлигига», деганлар.

*И мом Бухорий ривояти.*

Қаноатли хотин уйининг ташига эмас, ичига назар солади, уйда роҳат-фароғат боғларини яратиб, уларнинг тагидан меҳр чашмасини оқизиб қўяди, доимо баҳт-саодат йўлларини қидириб, шундай бир мамлакат барпо қиласиди, бу мамлакатнинг подшоҳи билан маликаси тўкин-сочинликда, роҳат-фароғатда яшайди.



3382. Қалбинг Аллоҳ мұхаббатидан, Унинг ҳузурида туришга тайёргарлиқдан оғаётганини, қалбингда махлукотларнинг мұхаббати, дунё ҳаётига розилик ва хотиржамлик ўрнашаётганини кўрсанг, билиб қўйки, сен ҳалокат жарига йиқилиб кетаётган экансан!



3383. Солихлардан бири айтган экан:

«Эллик йилдан бери дунёни тажриба қилиб кўрдим. Бирор киши гуноҳимни кечириб, айбимни ёпганини, алоқани узсам ҳам боғлаганини, ғазаб қилганида омон қолганимни кўрмадим. Демак, булар билан овора бўлиш аҳмоқлик экан. Бунинг ўрнига сенинг яширин ва ошкора гуноҳларингни

кечириб, айбларингни ёпиб, улар учун ўч олмайдиган Зотни ибодати или машғул бўл!».




3384. Биролардан нафратланиш худди сичқондан қутулиш учун уйга ўт қўйиб юборишдек гап. Сенга нисбатан бирор хато қилган одамни кечириб, ҳаёт йўлингда давом этавер. Нафрат худди кислотага ўхшайди, ўзи турган идишни ҳам емириб ташлайди.




3385. Тилингни тўғри қил, саломат бўласан. Яхшиликка шошил, ризқинг кенг бўлади. Айбингни очадиган гапни айтма, мартабангни туширадиган ишни қилма. Тарозунгни оғир қиладиган сўзни айт, қадрингни оширадиган ишни қил.


«Унваанул байаан» китобидан



3386. Сирларингизга эҳтиёт бўлинг! Баъзилар бировлар кулиши учун ҳам сирингизни ошкор қилаверади.



3387. Бир дўстимга: «Ўликни кўмишда ажойиб ибрат бор» дедим. У менга: «Кавлаб қўйилган бўш қабр ундан ҳам ибратлироқ, чунки у ҳозир орамизда яшаётган одам учун банд қилиб қўйилган», деди.



3388. Ибн Аббос бир кишини күрди. У: «Мана бу одам мени яхши күради!» дер эди. Үнга: «Сен буни қаердан биласан?» дейишиди. У шундай деди: «Чунки мен уни яхши күраман. Ахир ҳадисда: «Рухлар – түпланган аскарлардир, (рухлар оламида) бир-бирини танигандар (бу дунёда ҳам) улфат бўлишади, бир-бирини танимагандар эса айри тушишади», дейилган-ку».

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

ربِيْ لَا تَجْعَلْ قَلْبِيْ يَتَعَلَّقُ بِالْفَانِيَاتِ  
وَاجْعَلْ قَلْبِيْ مَعْمُورًا بِالْبَاقِيَاتِ الصَّالِحَاتِ

3389. Роббим, қалбимни фоний нарсаларга боғлиқ қилма!  
Боқий қоладиган солиҳ амаллар билан обод бўлган  
қалблардан қил!



3390. «Насиҳатнинг боши ёқимсиз, охири totлидир». «Унваанул байаан» китобидан



3391. Соғлом фикр неъматга олиб боради. Носоғлом фикр баъзан жаҳаннамга равона қилади.



3392. Аллоҳ учун холис бўлган мўмин банда неъматларга ғарқ бўлиб, қалби масрур ҳаёт кечираётган инсондир. У охиратдаги жаннатдан олдин бу дунёниг жаннатида ҳам хузур кўраётган инсондир.



3393. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Энг яхши одам ким?» деб сўрашди. У зот: «Қалби тоза, ростгўй бўлгани», дедилар. Шунда сахобалар: «Ростгўй деганингизни биламиз. Аммо қалби тоза деганингиз ким?» дейишди. У зот: «Тақвадор, покиза, гуноҳи йўқ, зулм қилмайдиган, нафратланмайдиган ва ҳасад қилмайдиган одам», дедилар.

*Ибн Можса ривояти.*



دَأَحْمَدَ عَيْسَى الْمَعْسَرَوِي

(قل متع الدنيا قليل)

كَلَّا لَهَا قَلِيلٌ وَنَصِيبُكَ مِنَ الْقَلِيلِ قَلِيلٌ  
صَفَاءُ قَلِيلٍ الْقَلِيلٍ مِنَ الْمُنْفَعَاتِ أَقْلُ الْقَلِيلِ

(ورحمت ربک خير مما يجمعون)

3394. «Дунёнинг матохи оз, дегин» (*Нисо сураси, 77-оят*)

Демак, дунёнинг бор мол-мулки ҳам оз экан. Сенинг насибанг эса ўша оздан ҳам оз экан. Шубҳа аралашмагани эса ознинг озидан ҳам оз экан.

**«Роббингнинг раҳмати улар жамлайдиган нарсадан яхшидир»** (*Зухруф сураси, 32-оят*)



3395. Ортиқча гапдан сақлан, чунки у фазилатингни тўсади, адолатингни йўқотади, баёнингни қийинлаштиради, дўстларингни малоллантиради. Камгаплик айбларни ёпди, тойилишдан сақлайди.

**«Унваанул байаан» китобидан**



د أحمد عيسى المعصراوي

قال محمد بن يوسف :

كان سفيان الثوري يُقيِّمنا في الليل ويقول:  
قوموا يا شباب صلوا ما دُمْتُم شباباً،  
إذا لم تصلوا اليوم فمتى..؟

3396. Мұхаммад ибн Юсуф айтдилар:

«Суфён Саврий тунда бизни уйғотиб, «Эй йигитлар! Ёшликда тунги таҳажжуд намозини ўқинглар. Кучга түлган, ёш пайтингизда ўқимасангиз, қачон ўқийсиз?», дер эдилар.



3397. Умар ибн Абдулазиз роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Банда жаннатдаги Тубо дарахти остида етиб бормагунича унга роҳат йўқ».



3398. Роббинг хузуридаги даражангни билишни хоҳласанг, қалбингдан Аллоҳ учун ажраттан ўрнингга қара!



3399. Баъзи сахобалар: «Фатво айтишга журъатлиларингиз — дўзахга журъатлиларингиздир», дейишган.



3400. Болажоним! Қариндошлиқ алоқаларини узиб ўсиб бўлмайди, бузуқлик қилиб юриб бойиб бўлмайди.

«Унваанул байаан» китобидан

د أحمد عيسى المعصراوي  
  
 "فمن أهمل تعليم ولده ما ينفعه وتركه سدى، فقد أساء إليه غاية الإساءة".  
 وهل من إساءة أشد من التقصير في إيقاظهم للصلوة وخصوصاً الفجر؟!

3401. Ким фарзандига фойда берадиган нарсани ўргатмай, уни бекорчи ва танбал қилиб қўйса, фарзандига нисбатан улкан ёмонликни раво кўрибди. Хусусан, бомдод намозига уйғотищдаги камчиликдан ҳам ёмон нарса борми?!



3402. Шайх Ибн Саъдий роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

«Дуо – кучли ва кучсизнинг силоҳи, анбиёларнинг, Аллоҳ назар қилган пок зотларнинг паноҳидир. Улар барча оғат-балоларни дуо билан бартараф қилишган».



3403. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим! Юзингга қараш лаззатини, Сенга йўлиқишига муштоқликни сўрайман», деганлар. Бир дуода дунёдаги энг яхши нарсани, яъни Аллоҳга йўлиқишига муштоқликни ҳамда

охиратдаги энг яхши нарсани, яъни Аллоҳнинг жамолини кўришни жам қилганлар.



3404. Шундай оламда яшаймизки, камбағал овқат топиш учун, бой эса еган овқатини ҳазм қилиш учун бир неча чақирим ерни босиб ўтади...

Аллоҳим! Бизларни неъматлар билан синамагин, кутилмагандага қаҳр-ғазаб қилмагин!



3405. Бир тадқиқотчи америкалик бир неча ғайримусулмон кишиларга Куръон оятларини эшилтириб кўриб, улардан «Нима ҳис қилдингиз?» деб сўради. Уларнинг

кўпчилиги омонлик, хотиржамлик, сакинатни ҳис қилганини айтди. Уларнинг бирортаси араб тилини билмас эди.

Субҳаналлоҳ! Аллоҳнинг зикри қалбларга қандай таъсир қилиши ҳақида бир оят бор:

**«Билингки, Аллоҳни зикри ила билан қалблар ором олур» (Раъд сураси, 28-оят).**

### التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوى

لا تنظر إلى ما في أيدي الناس؛ فالناس  
وما في أيديهم، في يد الله

3406. Тамагирлик қилиб, одамларнинг қўлидаги нарсага кўз тикма! Одамлар ҳам, уларнинг қўлидаги нарса ҳам Аллоҳнинг измидадир.



3407. Табассум – ҳарфсиз ёзилган ёқимли сўздир.  
Табассум – электр сарфламай ёнган чироқдир.  
Табассум – Аллоҳнинг қазо-қадарига розиликдир.  
Табассум – таржима керак бўлмаган луғатдир.  
Табассум – садақадир.




3408. Қанчалик керак одам бўлсанг ҳам, барибир бир кун келиб, ер остига кўмиласан. Шундан сўнг кўпчилик одамлар сени унутиб юборишади. Гўёки сен умуман дунёда яшамагандек.



3409. Бу сўзларни айтишдан ҳазир бўл!

Имом Нававий шундай дедилар: «Одамлар жаҳл устида бир-бирига «Эшшак!», «Чўчқа!», «Ит!» каби ёмон сўзлар айтишади. Бу икки жиҳатдан қабиҳ ишдир. Биринчидан, у ёлғон. Иккинчидан, унда озор бор».



### 3410. Улуғларнинг сўзларидан:

Яхё ибн Муоз шундай дедилар: «Агар очлик бозорда сотилганида, охират талабида юрганлар бозорга кирса, очликдан бошқа нарсани сотиб олишлари дууст бўлмас эди».

Изоҳ: Инсон оч юриш билан ибодатга енгил ва шаҳватдан йироқ бўлиб, охират амалларини бажариш унга енгил бўлиб қолади.

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المصراوى

بقليل من الغبار تضيق صدورنا ..


فوقنا وتحتنا وعن يميننا وعن شمالنا  
التراب غداً في قبورنا، ماذا سنفعل؟

اللهم توفنا وأنت راضٍ عَنَّا ..!

### 3411. Бирор жойимизга чанг ёки тупроқ тегса, кўнглимиз ғаш бўлади. Эртага қабрда устимиз, остимиз, ўнгимизу сўлимиз факат тупроқ бўлганда нима қиласкинмиз?



3412. Ибн Масъуд розияллоху анху шундай дедилар: «Бирорта пайғамбар муаммога дуч келса, тасбеҳдан ёрдам олар эди. Шундай экан, фаровонликда ҳам, тушкунликда ҳам кўп тасбеҳ айтинглар».



3413. Қуш тирик пайтида чумоли ейди. Қуш ўлса, чумолилар уни ейди. Демак, холат бир лаҳзада ўзгариб қолиши мумкин. Шундай экан, ҳеч кимни паст санама! Эҳтимол, бугун кучлидирсан. Лекин унутма, вақт сендан кучли!!!



3414. Риё қилиб, илмли бўлма!  
Хаё қилиб, илмсиз қолма!

*Яхё ибн Муоз*



أول جامعة في أوروبا أسسها المسلمون سنة 227 هـ - 841 م في مدينة سالرنو ، وهي امتداد للجامعات الإسلامية في الشرق ، ثم أنشئت جامعات طليطلة و إشبيلية و غرناطة... فامها الطلاب الأوروبيون ينهلون من علومها ، ثم يعودون إلى بلدانهم يلبسون العباءة العربية ، يقلدون فيها اللباس العربي ، وهذا شعار بأن هذا الفتنى تخرج في جامعات المسلمين ، و يقتدي تقليد العباءة يلبسه الخريجون حتى يومنا هذا .  
وقال "جاك غودي" في كتابه - الإسلام في أوروبا :  
اللباس العربي أضحت علامة الوجاهة العلمية إلى اليوم، ولا سيما في المناسبات العلمية، كمناقشة الرسائل الجامعية، وحفلات التخرج في المعاهد العلمية.

3415. Европадаги биринчи университетга ҳижрий 227, милодий 841 йили мусулмонлар асос солишган. Салерно шаҳридаги бу университетнинг асли шарқдаги исломий университетларга бориб тақалади. Сўнгра мусулмонлар Андалусдаги Тулайтила (Толедо), Ишбилия (Севилья), Фарнота (Гранада) университетларини ташкил қилишди. Оврупалик талабалар ана шу университетларда таҳсил олиб, сўнг ўз юртларига қайтиб кетишарди. Юргита қайтгандан

кейин ҳам арабларнинг, мусулмонларнинг чопонига ўхшаш кийимлар кийиб, уларга тақлид қилишар эди. Университетни битириш маросимида ўша чопонга ўхшаш кийимларни кийиш анъанаси ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Джек Гуди «Оврупада Ислом» номли китобида шундай ёзади:

«Араб либослари бугунги кунимизда ҳам илмий қадр-қиммат белгиси бўлиб қолмоқда. Хусусан, илмий муносабатларда, университетнинг илмий диссертацияларида, битириув кечаларида йигинларда бу анъана давом этмоқда».

Тарихий манбаларда айтилишича, ҳозирда мантия деб аталадиган, университет битириувчилари киядиган усти текис шляпани Андалус мусулмонлари ўйлаб топишган. Усти текис бўлишига сабаб шуки, унга мусҳаф – Қуръони карим жойлаштирилган. Бу Аллоҳ таолонинг **«Ҳар бир илм соҳиби узра (ундан устунроқ) билимдон бордир»** деган сўзига мувофиқ, олган илминг Қуръондаги илмдан оздир деган маънони англатган (*Юсуф сураси, 76-оят*). Шу йўл билан талабанинг олим бўлдим деб мағрурланиб кетишининг олди олинган.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

تعلمنا من سورة الكهف  
أن صلاح الأب فيه حفظ  
لأبناءه بعد مماته .  
قال الله تعالى: (وَكَانَ أَبُوهُمَّا صَالِحًا)

3416. Каҳф сурасидан ўрганадиган нарсаларимиздан бири шуки, ота-онанинг солих бўлиши уларнинг вафотидан кейин фарзандлари учун омонлик бўлар экан: **«Уларнинг оталари солих одам эди» (82-оят)**.



3417. Аллоҳ таолога бөгланиш йўлимиз Қуръондир. Қуръон ўқимайдиган одам камчилиги бор, ноқис кимсадир.

كَانَ الْحَسْنُ الْبَصْرِيُّ يَدْعُو زَاتَ لِلَّةِ  
 اللَّهُمَّ أَعْفُ عَنِّي ظَلَمْنِي ! فَأَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ ، فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ :  
 يَا أَبَا سَعِيدٍ لَقَدْ سَمِعْتُكَ اللَّيلَةَ تَدْعُو لِنَّ ظَلْمَكَ !  
 حَتَّى تَمْنَيْتَ أَنْ أَكُونَ فَيْمِنَ ظَلْمَكَ ! فَمَا دَعَكَ إِلَى ذَلِكَ ؟  
 قَالَ أَمَا سَمِعْتَ قَوْلَهُ تَعَالَى : " فَمِنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَاجْرَهُ عَلَى اللَّهِ "



3418. Бир куни кечаси Ҳасан Басрий: «Аллоҳуммаъфу ъамман золаманий» (*Аллоҳум, менга зулм қилганни афв қил*), деб кўп дуо қилдилар. Бир киши: «Эй Абу Саъид! Кечаси сизга зулм қилган кишининг ҳаққига авф сўраб шунчалик дуо қилдингизки, ҳатто ўша зулм қилган одам мен бўлсам эди деб юбордим. Бунинг сабаби нима?» деди. Ҳасан Басрий шундай деди: «Аллоҳ таолонинг «Энди ким (интиқом олишга қодир бўла туриб) афв қилиб, (орани) ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир» деганини эшитмаганмисан?» (*Шуро сураси, 40-оят*)



3419. Тақводор мўминнинг қабрига жаннатнинг ҳиди келиб туради. Унинг қабридан жаннатга бир эшикча очиб қўйилади. Бу ҳид дунё лаззатларининг барчасидан ёқимлироқдир.



3420. Айтишларича, бир куни бир киши Суфён Саврийдан фатво сўради. У зот фатво бердилар, аммо кейин ўша фатвода хато кетганини билиб қолиб, фатво сўраган одамни қидириб қолдилар. Уни топа олмагач, бозорга чиқиб, баланд овоз билан: «Фалон киши фалон масалада мендан савол сўраган эди. Мен унга фалон-фалон фатвони айтган эдим. Аслида тўғриси фалон-фалон экан», деб жар солдилар.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

"فَنَادَىٰ فِي الظُّلُمَاتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ  
سَبِّحْنَاكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ فَاسْتَجِبْنَا  
لَهُ"

من أسباب إجابة الدعاء الإقرار بالتوحيد  
والاعتراف بظلم النفس

**3421. «Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди. У Бизни (ер юзини) унга тор этмайди, деб ўйлади. Сўнг зулматларда туриб, «Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, мен золимлардан бўлиб қолдим», деб нидо қилди. Биз уни (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамташвишдан нажот бердик. Мўминларга ана шундай нажот берурмиз» (Анбиё сураси, 88-оят).**

Демак, дуо ижобат бўлишининг сабаби тавҳид, яъни Аллоҳни ягона деб билиш ва ўз нафсига зулм қилганини эътироф этишdir.

**Изоҳ:** Зуннун – Юнус алайҳиссаломдир. «Нун» балиқ дегани, Зуннун эса балиқ соҳиби дегани. Юнус алайҳиссаломни денгизда балиқ ютиб юборган, кейин қирғоқка келиб, Аллоҳнинг амри билан чиқариб ташлаган. Шунинг учун у зот Зуннун лақабини олганлар. У зотнинг қиссалари Ас-Софрат сурасида келган.

### للمرأة ثلاثة علامات:

الكسل إذا كان وحده

وينشط إذا كان الناس

ويزيد في العمل إذا أثني عليه

وينقص إذا ذم.

الإمام علي بن أبي طالب

3422. Риёкорнинг учта аломати бор:

1. Ўзи ёлғиз қолса, дангасалик қиласди. Одамларнинг олдида эса фаол бўлиб олади.

2. Одамлар уни мақтаса, амалларини кўпайтиради.

3. Одамлар уни ёмонласа, амалларини камайтиради.

*Али ибн Абу Толиб*



3423. И мом Розий Нисобурга борган кунлари атрофларида одам кўпайиб, издиҳом бўлиб кетди, аммо биргина кампир беэътибор ўтирас эди. Унга: «И мом Розийнинг олдиларига бормайсанми, у зотни кўрмайсанми?» дейишди. Кампир: «И мом Розий деганинг ким ўзи?» деди. Шунда: «Аллоҳнинг

бор эканига мингга яқин далилни биладиган олим», дейишиди. Шунда кампир: «Агар унинг қалбида шак-шубҳа бўлмаганида мингга яқин далилни билишга эҳтиёжи бўлмас эди. Ахир осмонлару ерни яратган Зот хусусида ҳам шак қиласдими!» деди. Бу гап имом Розийга айтилган эди, «Аллоҳим! Менга шу кампирнинг иймонидек иймон ато қил!» деб йиғлаб юбордилар.



3424. Молик ибн Динор шундай дедилар: «Дунёни деб қанча маҳзун бўлсанг, қалбингдан ўшанча охират ғами чиқиб кетади. Охиратни деб қанча маҳзун бўлсанг, қалбингдан ўшанча дунё ғами чиқиб кетади».

أَنَّ الظَّاكِرِينَ اللَّهُ كَثِيرًا  
هُمُ الْسَّابِقُونَ مِنْ بَيْنِ عَمَالِ الْآخِرَةِ



3425. Аллоҳни кўп зикр қилувчи зотлар охират ходимларининг пешқадамлариdir.



3426. Дунё аҳлига ато этилган нарсаларга ҳасад қилсанг, демак, жоҳил экансан. Қалбинг уларнинг қўлидаги мол-мулкка машғул бўлса, бу ундан баттар жоҳилликдир. Чунки мол-дунё эгалари ҳар ҳолда ўзига ато қилинган нарса билан банд бўлади, сен эса ўзингга берилмаган нарса билан банд бўляпсан.

*Ибн Атоуллоҳ Сакандарий*

#### التغريدة



قال الله تعالى:  
 {اقرُبُ للناس حسابهم  
 لِوَأذْيَعُ هَذَا النَّبَأَ فِي الإِعْلَام لِفَزْعَنَا  
 وَاحْتَطَنَا  
 لَكُنَّ الْخَطَابُ الْأَلَهِيُّ الَّذِي لَا تَعْيِهِ إِلَّا  
 الْقُلُوبُ الْوَاعِيَةُ الْزَكِيَّةُ}

3427. «Одамларнинг ҳисоб-китоби (яъни Қиёмат соати) яқинлашиб қолди. Улар эса ғафлатдадирлар, (иймон келтириб, яхши амаллар қилишдан) юз ўғирмокдалар» (*Анбиё сураси, 21-оят*).

Агар мана шу хабар оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилса, ҳаммамиз саросимага тушиб, ёмон аҳволда


қолган бўлар эдик. Бу илоҳий хитобни фақат онгли ва зийрак қалбларгина идрок қиласди, холос!




قال عمرو بن ميمون: أدركت أصحاب  
رسول الله صلى الله عليه وسلم  
وهم يقولون: "المساجد بيوت الله  
وإنه حق على الله أن يكرم من زاره فيها"  
[تفسير الطبرى]

3428. Амр ибн Маймун шундай дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобалари: «Масжидлар Аллоҳнинг уйларидир, ўша уйларни зиёрат қилганларга икром кўрсатиш Аллоҳнинг ҳаққидир», деб айтишганини биламан».



3429. Банда учун энг заарли нарса фаолиятсиз, бекорчи бўлиб қолишидир. Чунки нафс фаолиятсиз қола олмайди. Нафсни фойдали ишга йўналтирмасанг, у ўз-ўзидан, чорасиз равишда заарли нарсалар билан машғул бўлаверади.



أَكْثَرُ مَا يُلُوثُ الْقُلُوبُ ،  
الظُّنُونُ السَّيِّئَةُ .

3430. Қалбни энг кўп булғайдиган нарса ёмон гумондир!

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المصراوي

إذا رأيت فتوراً في همتك  
ونقصاً في عزيمتك  
فتنظر قول الله ﷺ  
هُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ اللَّهِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ  
فالمراتب على قدر الاجتهاد

3431. Агар бўшашиб, ҳимматинг пасайганини, шижаотинг сусайганини сезсанг, Аллоҳ таолонинг қуидаги қавлини эсла: «Улар Аллоҳнинг хузурида турли даражаларда бўлурлар. Аллоҳ улар қилаётган амалларни кўргувчиидир» (*Оли Имрон сураси, 163-оят*).

Демак, инсон қанча жидду-жаҳд қилса, шунча мартабаларга эришар экан!



3432. Сабрли, ҳалим бўлинглар. Муваффақиятни қўлга киритганлар унга фақат сабр ва ҳалимлик билан эришишган!



3433. «Сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратгани ва ораларингизда меҳр-муҳаббат ва

**марҳамат солиб қўйгани ҳам У Зотнинг мўъжизалариданdir. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун ибратлар бордир» (*Рум сураси, 21-оят*).**

- Оила қуриш – Набий алайҳиссаломнинг суннатлариdir.
- Оила қуриш нафсни хотиржам қилади, унга сокинлик беради.
- Оила қуриш яхши натижаларни, илмий кашфиётларни юзага келтиради.
- Оила қуриш жамиятда аҳиллик ва ҳамжиҳатликни юзага келтиради.
- Оила қуриш жисмоний қониқиши ато этади.
- Оила қуриш саратон (рак) касалининг олдини олади.
- Оила қуриш ризқни кенгайтиради, баракани кўпайтиради.
- Оила қуриш диннинг ярмини тўлдиради.
- Оила қуриш ота-оналиқ баҳтини беради.
- Оила қуриш жисмга саломатлик ва оғият беради.
- Оила қуриш севги, меҳр-муҳаббат пайдо қилади.




3434. Роҳиб (монах) Саванаролла андалуслик олим Ибн Рушд ҳақида шундай деган экан:

Ибн Рушд ноёб раббоний иқтидор соҳиби эди. У илмга шу қадар берилиб кетган эдики, умри давомида икки мартагина – уйланган куни ва отаси вафот этган куни дарсга келмаган эди.



3435. Озига рози бўлмаган ҳеч нарсадан рози бўлмайди.

#### التغريدة



الدنيا "منزل بالإيجار" مهما فعلت فيه  
فإنك ستتركه يوماً ما ،،،  
و الآخرة هي "منزل ملك لك"  
بيدك الآن بناؤه فلتُحسن البناء  
**قرارك بيدك**

3436. Дунё – ижарага олинган уйдир. У ерда нима қилсанг ҳам, барибир бир кун келиб у ердан чиқиб кетишинг керак.

Охират эса ўз уйингдир, уни обод қилиш ўз қўлингда. Шунинг учун уни чиройли қилиб қургин. Ихтиёр ўзингда!



3437. Солиҳлардан бири илм олишга тарғиб қилиб, шундай деган экан: «Аллоҳга етишиш учун илмдан яхши йўл йўқ. Илм йўлидан бирор қадам оғиб кетсанг, зулматларда сарсон-саргардон бўласан. Илм – нурдир».



3438. Оқил одам душманларидан ҳам фойдаланаверади. Нодон одам эса дўстларидан ҳам фойдалана олмайди.

*Anis Mansur*



3439. Сулаймон Доронийдан: «Нима учун оқил инсонлар ўзларига ёмонлик қилған одамни койишмайди?» деб сўрашди. У зот: «Чунки улар Аллоҳ уларни гуноҳлари сабаб балога гирифтор қилаётганини билишади!» деб жавоб бердилар.



3440. Бир одамни синамокчи бўлсанг, унинг олдида бошқа бир одамни эсла. Агар у сен айтган одамни ёмонлаб, «Уни мақтамай қўяқол, унинг фалон-фалон айби бор», деса, билгинки, унда маърифат йўқ экан, қалби хароб экан. Агар у сен айтган одамни мақтаса, яхшиликларини айтса, айб

ишларини адашиб ёки бирор узр сабабли қилган деса, билгинки, унинг қалби обод экан. Зеро, ҳақиқий мўмин мусулмон биродарининг обрўсини сақлаб қолишга ҳаракат қиласди!

*Ибн Атоуллоҳ Сакандарий*

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

بر الوالدين هو الاختبار الرباني والقياس  
الدنيوي لحسن وفائد  
فإن لم تكن قادرا على بر من حملتك وبر من  
رباك.  
فلن تكون قادرا على طاعة من خلقك..!

3441. Ота-онага яхшилик қилиш раббоний синовдир, дунёвий мезонга қанчалик вафо қилишинг учун ўлчовдир. Қорнида кўтарган онангга, тарбия қилган отангга яхшилик қила олмасанг, Яратган Роббингга ҳам ибодат қила олмайсан!



3442. Абу Дунё шундай дедилар:  
Ҳасан Басрий Умар ибн Абдулазизга қуидагича мактуб йўлладилар:

«Бу дунё мудом яшаб қолинадиган эмас, жўнаб кетиладиган диёрдир. Одам алайҳиссалом ҳам бу дунёга азоб-уқубат учун юборилган эди. Эй мўминларнинг амири, эҳтиёт

бўл! Дунёдан воз кечсанг, уни тўплаган бўласан, дунёда камбағал бўлсанг, ҳақиқий бадавлат бўласан».



3443. Бошлангич синфда ўқиб юрган кезларим араб тили устозим мендан:


رأيت الله أكبر كل شيء

деган гапни грамматик таҳлил қилишни сўраб қолди.

Мен шошилиб, «رأيت» сўзи феъл ва фоъил, бош келишикда, اللہ лафзи буюклиги туфайли тушум келишигига», дебман (Аслида тушум келишиги бўлишига сабаб тўлдирувчи экани сабабли эди). Устоз индамай қолдилар. Хато айтибман деб, кўзимни ердан узмай туравердим. Бир пайт синфда шивиршивир бошланди. Бошимни кўтариб, устозимга қарасам, кўзлари жикқа ёш.

Бу киши хузуъ ва хушуъ ила қалдан йиғлар эди. Мен Аллоҳ лафзини ҳурмат қилганимда у бош чайқар эди. Чунки, менга мана шундай таълим берилган эди-да. У киши Аллоҳга одоб юзасидан кўзини ёшга тўлдирган эди...

Шайх Мухаммад Фаззолий.



3444. Маҳзунлик асаб толаларига таъсир қиласи.  
 Кўркув юракнинг уришига таъсир қиласи.  
 Маҳрумлик ва йўқотиш тушкунлик ва умидсизликни юзага келтиради.

Ана шундай ҳолатдаги одамни учратсангиз, кўпол гапирмай, мулойим муомала қилинглар. Уларнинг қалбida нима кечаётганини билмайсиз-ку!

Бирорнинг айби устидан кулган одам ҳам ўша айбга гирифтор бўлишини унутманг!



3445. Ўзига бино қўйиш ақлнинг заифлигига далилдир.  
 «Унваанул байаан» китобидан



### 3446. Мол-мулк ёки бошқа нарса берган кишининг ҳаққига дуо қилишнинг маҳбублиги:

*Anas rozияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Саҳобалар Мадинаға кўчиб келишганда Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу ансорлардан Саъд ибн Робеънинг уйига тушдилар. Саъд ибн Робеъ розияллоҳу анҳу: «Сени мол-мулкимга шерик қиласман, хотинларимдан бирини (талоқ қилиб, иддаси чиққанда) сенга бераман», деди. Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу: «Баарокаллоҳу лака фий аҳлика ва маалик» (*Аллоҳ аҳлингга ҳам, мол-мулкингга ҳам барака берсин*), дедилар.

*Имом Бухорий ривояти.*

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي  
 ظهر الفساد في البر والبحر  
 السبب  
 بما كسبت أيدي الناس  
 الحكمة  
 لينقيهم بعض الذي عملوا  
 الغاية  
 لعلهم يرجعون  
 تحتاج الكثير من التأمل

3447. «Қуруқлиқда ҳам, денгизда ҳам (турли) оғат-  
 балолар юз берди» (*Рум сураси, 41-оят*).

Бунинг сабаби:

«Одамларнинг қилган қилмишлари».

Бунинг ҳикмати:

«Уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини)  
 тоддиріб қўйиш».

Бундан мақсад:

«Шоядки (одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан)  
 қайтсалар».



3448. «Шукр» сўзининг маъноси «муҳофаза қилувчи,  
 жалб қилувчи»дир, чунки шукр бор неъматни муҳофаза  
 қилиб, йўғини жалб қиласди.



3449. Марям онамиз тұхматта учраб, оғир ахволда қолса ҳам, Аллоҳ таоло у зотга: «**Энди еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин**», деди (*Марям сураси, 26-оят*).

Шундай экан, (муаммога дуч келдим деб маҳзун бўлмай) ҳаётда ўйнаб-кулиб яшайвер. Ҳар қандай муаммонинг ечими Аллоҳнинг ҳузуридадир.



3450. Ҳаёси, саховати йўқ одам ҳаётдан кўра ўлимга лойикроқ.

(Қимматроқ ва оддийроқ) икки кийимдан қай бирини кийиш ва (ширинроқ ва бемазароқ) икки таомдан қай бирини ейишига эътиборсиз бўлмагунча, эр кишининг мардлиги мукаммал бўлмайди. (Яъни, мард одам овқат танламайди, дейилмоқчи)

*«Унваанул байаан» китобидан*



3451. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сув сўраган эдилар, бир яҳудий сув берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаммалакаллоҳ» (Аллоҳ сени чиройли қилсин), дедилар. Ўша яҳудийнинг сочи ўлгунича оқармади.

*Ибн Сунний ривояти.*

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال عمر بن الخطاب :

"إِذَا رأَيْتُمْ أَخَا لَكُمْ زَلْزَلًا فَسَدِّدُوهُ

وَوَفِّقُوهُ وَادْعُوا اللَّهَ أَنْ يَتُوبَ عَلَيْهِ

وَلَا تَكُونُوا أَعْوَانًا لِلشَّيْطَانِ عَلَيْهِ

3452. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай дедилар:

«Биродарингиз қинғир йўлга кетаётганини кўрсангиз, уни тўғри йўлга бошлаб, тўхтатиб қолинглар ва Аллоҳдан унинг

тавба қилишини сўраб, дуо қилинглар. (Уни ёмонлаб, жеркиб) шайтонга ёрдамчи бўлманглар!»



3453. Қудсий асарлардан бирида шундай дейилган:

Аллоҳ: «**Эй бандам! Мен сенга мол-дунё бердим, сен уни нима қилдинг?**» деса, банда: «Роббим! Мендан кейин фарзандларим камбағал бўлиб қолмасин деб, ҳеч кимга ҳеч нарса инфоқ қилмадим», дейди. Аллоҳ таоло: «**Ахир Менинг ризқ берувчи, қувват эгаси ва шиддатли эканимни билмасмидинг? Мендан кейин фарзандларимга қолсин деб қўрқкан нарсангни уларга Мен нозил қилган эдимку!**» дейди. Кейин бошқа бир бандадан: «**Эй бандам! Мен сенга мол-дунё берган эдим, уни нима қилдинг?**» деса, у: «Роббим! Сен энг яхши муҳофазачи, раҳмлиларнинг раҳмлисисан. Шунга ишонганим учун мол-дунёимни муҳтожу мискинларга инфоқ қилдим», дейди. Шунда Аллоҳ: «**Эй бандам! Ортингда қолган фарзандларингни ҳам Ўзим муҳофаза қиласман**», дейди.




3454. Бир олим зотдан: «Ахволи энг ёмон одам ким?» деб сўрашди. У зот: «Бадгумон бўлгани учун ҳеч кимга ишонмайдиган, табиати бузуқ бўлгани учун ўзига ҳам ҳеч ким ишонмайдиган кимса», деди.



3455. Болажоним! Кучи етмайдиган нарсани кўтарган одам ожиз бўлади. Ўзига бино қўйган одам ҳалокатга учрайди. Одамларга такаббурлик қилган хор бўлади, маслаҳатлашмаган пушаймон бўлади. Олимлар билан мажлис қурган кўп билади. Кам гапирган доим омон бўлади.

«Унваанул байаан» китобидан



3456. Ўзига, фарзандига ёки мол-мулкига ёхуд бошқа нарсасига нимадир бўлиб, уларга кўз тегди деб шубҳаланганда айтиладиган зикрлар:

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайнларга паноҳ тилаб, «**Уъийзукумаа би қалимаатилаҳит-таамма, мин қулли шайтоонин ва ҳаамма, ва мин қулли ъайнин лаамма**» (*Аллоҳнинг мукаммал қалималари билан барча шайтонлардан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан сизларга паноҳ тилайман*) деб дуо қиласардилар ва «**Бу дуо – отангиз Исмоил ва Исҳоқ алайҳимассаломнинг паноҳ тилайдиган дуолари эди**», дер эдилар.

*Имом Бухорий ривояти.*

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кўз тегиши бордир**», дедилар.

*Имом Бухорий ва Муслим ривояти.*

*Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларидаги бир хизматкор қизнинг юзида бир доғни кўриб, «**Унга дам солиб қўйинглар, кўз тегибди**», дедилар.

*И мом Бухорий ва Муслим ривояти.*

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Кўз тегиши ҳакиқатдир. Бир нарса қадардан олдин бўлса, кўз тегиши ундан ҳам олдин бўлади. Ювинарингиз, кўз теккан кишини ўша сув билан ювинглар**», дедилар.

*И мом Муслим ривояти.*

Уламолар: «Кўзи теккан кишига «Баданингни ювиб, унинг сувини кўзинг теккан кишининг устидан қўйгин», дейишган.


Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинадики, кўзи теккан киши таҳорат қиласи, сўнг кўз теккан киши ўша таҳорат сувида ювинади.

*Абу Довуд ривояти.*

*Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жин ва инсинг кўзи тегишидан паноҳ тилаб юрадилар. Муъаввазатайн («Қул аъзу» билан бошланган икки сура нозил бўлгач, у зот бошқа нарсаларни кўйиб, шу иккiovини ўқийдиган бўлдилар.

*Термизий, Насаий ва Ибн Можалар ривояти.*



3457. Бани Сураймлик бир кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло бандасига бир нарса бериб синаб кўради. Агар банда Аллоҳнинг тақдирига рози бўлса, ўша нарсага барака берилади, ризқи кенг қилинади. Агар рози бўлмаса, унга барака берилмайди, тақдир қилинган нарсаси ҳам кўпайтириб берилмайди».

*И мом Аҳмад ривояти.*



3458. И мом Термизий роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар:

«Аллоҳ кимнинг қалбини иймон нури билан мунаввар қилса, унинг маърифати (Аллоҳни таниши) кучаяди, унда

кучли ишонч нури порлайди, қалби ислоҳ бўлади, нафси хотиржам бўлади».

### «Адабун нафс» китобидан

جِنَّ تَأْتِيكَ الْوَسَاوِسُ أَنْكَ لَا تَمْلِكُ  
وَقَاتًا لِلصَّلَاةِ أَوِ الْقُرْآنِ أَوْ غَيْرِهَا مِنِ الْعِبَادَاتِ  
ذَكَرِ نَفْسِكَ أَنْكَ خُلِقْتَ أَصْلًا لِلْعِبَادَةِ  
وَأَنَّ اللَّهَ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى أَدْرِي بِكَ مِنْ نَفْسِكَ  
وَأَدْرِي بِمَا تُطْبِقُ وَلَا تُطْبِقُ ، وَأَنَّهُ سُبْحَانَهُ  
وَتَعَالَى سَيِّبُارِكَ فِي أَعْمَالِكَ حِينَ تُؤْدِي الْعِبَادَاتِ  
وَتُخْلِصُ فِي الْعَادَاتِ لَهُ أَيْضًا وَسَلَاحِظُ الْبَرَكَةَ  
فِي أَوْقَاتِكَ عَكَسَ مَا تُوْسِوْنَ بِهِ النَّفْسُ .


3459. Намоз ўқишига, Қуръон ўқишига ёки бошқа ибодатларга вақт топа олмай, васваса бўлсанг, ўзи аслида ибодат қилиш учун яратилганингни нафсингга бир эслатиб қўй! Аллоҳ таоло нафсингни ўзингдан ҳам яхшироқ билади. Аллоҳ сенинг тоқатинг нимага етиши, нимага етмаслигини ҳам билади. Агар ибодатларни адо қилиб, холис бажарсанг, шундай барака ато қиласиди, вақтингга ҳам барака кирганини сезасан. Нафс васваса қилганда эса бунинг аксини кўрасан.



3460. Бир донишманд шундай деган экан: «Одамнинг кимлиги униб-ўсган жойи билан эмас, собит-мустаҳкам

турган ўрни биландир, қаерда туғилгани билан әмас, ҳозир қаерда тургани билан белгиланади».

«Унваанул байаан» китобидан



3461. *Сайд ибн Ҳаким* розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсага кўз тегишидан қўрқсалар, «**Аллоҳумма, баарик фийҳи ва лаа тазурроҳу**» (*Аллоҳум, унга барака бергин, зарар етказмагин*) дер эдилар.

*Ибн Сунний ривояти.*

#### التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوى


لما احتضر أبو بكر بن عياش وبكوا عليه قال  
لا تبكوا فإني ختمت القرآن في هذه الزاوية  
ثلاث عشرة ألف ختمة  
كم مرة ختننا القرآن

نور الاقتباس ص ١٥١

3462. Абу Бакр Айёшнинг ўлими яқинлашгач, атрофидагилар йиғлай бошлишди. Шунда Абу Бакр: «Йиғламанглар! Мен мана бу бурчакда Қуръонни бошидан охиригача ўқиб, ўн уч минг марта хатм қилганман», дедилар.



3463. Ишонгин! Агар Аллоҳ учун озгина нарсани бажарсанг, сени кўпи билан рози қиласди, яъни қўп ўрнида қабул қиласди.



3464. Масжидда ўтириб олиб, пойабзалим (жойида турибдими ёки ўғри олиб кетдими, деган хаёл) ҳақида тафаккур қилганимдан кўра кўчада юриб, Аллоҳ ҳақида тафаккур қилганим афзалроқ.



3465. Шеър (насрий баён) : «Эй фалончи, илм ол! Олий наслингга, машҳур фазлингга суюниб қолмагин. Жаҳолат қанчадан-қанча асли баландларни пастлатди. Илм қанчадан-қанча асли пастларни юксакларка кўтарди».

«Унваанул байаан» китобидан



3466. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ: «Ким бир нарсани кўриб, ажабланса, «Маа шаа-аллоҳ, лаа қуввата иллаа биллаах» деса, унга зарар етмайди» (Аллоҳнинг хоҳлагани. Аллоҳдан бошқада қувват иўқ), дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*

*Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзида ёки мол-мулкидаги бирон нарсани кўриб, хурсанд бўлган одам унга барака тилаб дуо қилсин, чунки кўз тегиши ҳақдир», дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*

*Омир ибн Робийъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз ўзидаги ёки мол-мулкидаги нарсадан хурсанд бўлса, унга барака тилаб дуо қилсин», дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*



3467. Ибн Жавзийнинг қўлида йигирма мингдан ортиқ яхудий ва насронийлар мусулмон бўлди. У зот сабабли юз минг одам тавба қилди. Бу олим икки мингдан ортиқ китобнинг муаллифи ҳамдир. Шу мақомда бўлишига қарамай, у зот шогирдларига: «Жаннатга кирганингизда ораларингизда мени топа олмасангиз, мени ҳақимда сўранглар ва «Роббим!

Фалон банданг Сени бизга эслатар эди, денглар», деб, сўнг йиғлаб юборди.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

﴿وَكُنْ مِّنَ الشَّاكِرِينَ﴾

من أسرار السعادة أن يتذكر الإنسان  
ما لديه من نعم قبل أن يتذكر ما لديه  
من هموم !!

3468. «Ва шукр қилувчилардан бўл!» (Аъроф сураси, 144-оят)

Бахт саодатнинг сирларидан бири, инсон ўзига етган ғам-ташвишдан олдин унга берилган неъматлар хусусида Эсламоғидир.



Ақлли, билимдон одамлар кўп, лекин муаммолар ундан ҳам кўп.

Дори-дармон кўп, лекин соғлик кам.

Сотиб оладиган нарсамиз кўп, лекин фойдаланадиган нарсамиз оз.

Даромадимиз юқори, лекин ахлоқимиз паст.

Озиқ-овқатимиз яхши, лекин овқатланишимиз ёмон.

Бунинг сабабини қуидаги оятдан топамиз:

**«Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, унинг ҳаёти танг бўлур, қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтиурмиз» (Toҳа сураси, 124-оят).**




3470. Бир донишманд айтган экан: □Манфаатдан мухаббат ва ошнолик, заардан нафрат ва душманлик, ростгўйликдан ишонч, омонатдорликдан хотиржамлик, адолатдан қалбларнинг улфатлиги, зулмдан ажралиш, гўзал хулқдан дўстлик, ёмон хулқдан айрилиқ, кенгфеълликдан улфатлик, феъли торликдан одамовилик, кибрдан ғазаб, камтарликдан юксалиш, сахийликдан мақтов, баҳилликдан хорлик келиб чиқади.

«Унваанул байаан» китобидан



3471. Абу Мұхаммад қози Ҳусайннинг «Ат-Таълиқ фил мазхаб» номли китобида айтилишича, бир куни набийлардан бири ўз қавмиға қараб, уларнинг кўплигидан хурсанд бўлди. Шунда улардан етмиш минги вафот этди. Аллоҳ таоло: «Уларга сенинг кўзинг тегди. Уларни кўз тегишидан ҳимоя қилганингда, ҳалок бўлишмас эди», деб ваҳий қилди. Набий: «Уларни кўз тегишидан қандай ҳимоя қиласман?» деди. Аллоҳ таоло «Ҳассантукум билҳайил қойиумиллазий лаа ямууту абада, ва дафаъту ъанкум сувъа би «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳил ъалийил азийм» (*Ҳеч қачон ўлмайдиган, Ҳайй ва Қойиум сифатли Зот ила сизларни ҳимоя қиласман. «Күч-қувват фақат Аллоҳ биландир» калимаси билан сизлардан ёмонликни даф қиласман*) дейишни ваҳий қилди.

Қози Ҳусайннинг одатлари шу эдикি, дўстларига қараб, уларнинг қиёфаси ва ҳолатидан хурсанд бўлсалар, мана шу дуо билан уларни кўздан ҳимоя қиласдилар.



3472. Одамлар тўрт хил бўлади:

Биладиган ва билишини биладиган одам. Бу одам олимдир, ундан савол сўрайверинглар.

Биладиган, лекин билишини билмайдиган одам. Бу киши унутиб қўйган, унга эслатиб қўйинглар.

Билмайдиган ва билмаслигини биладиган одам. Бу одам жоҳилдир, унга ўргатинглар.

Билмайдиган, лекин билмаслигини билмайдиган одам. Бу киши ахмоқдир, уни инкор қилинглар.



3473. Имом Шофеъий шундай деганлар:

Тавозе ва камтарлик олижаноб инсонларнинг хулқидир.

Такаббурлик ва манманлик пасткаш кимсаларнинг сифатидир.

Камтарликтан мұхаббат, қаноатдан эса роҳат мерос қолади.



3474. Бахтиёр инсонлар билан бадбаҳт кимсалар орасида катта фарқ бор:

Бахтиёр инсонлар гуноҳ ва маъсият қилаётган одамни кўриб қолса, оғизда уни койишади, аммо қалбида уни дуо қилишади. Бадбаҳт кимса эса бундай одамни ғазаб билан койишади, номини булғаб, шарманда қилишади.

Мўмин одам биродарига холи қолганда насиҳат қилади, кўпчиликнинг орасида эса унинг айбларини яширади. Бадбаҳт кимса эса бунинг аксидир. У бир одамнинг гуноҳ қилганини кўриб қолса, уни ошкор қилиб, ҳаммага ёяди. Бундай кимсаларнинг қалб кўзи ёпиқ бўлиб, улар Аллоҳнинг хузуридан четлаштирилгандир.

Атоуллоҳ Сакандарий



### 3475. Шеър (насрий баён):

Сен тўплаган захираларнинг энг қимматлиси илмдир. Дарс қилиб, илм олган одамнинг мақтовга муносиб фазилатлари ўчмайди. Илмга юзланинг, унинг мақсадлариға қучоқ очинг. Илмнинг аввали ҳам, охири ҳам илмга юзланиш – илм излашдир».

«Унваанул байаан» китобидан



3476. Махбуб ва кариҳ нарсани кўрганда айтиладиган зикрлар.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳбуб нарсани кўрсалар, «Алҳамду лиллаҳиллаҳий би ниъматиҳи татиммус солиҳаат» (*Неъмати ила эзгуликларни мукаммал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин*), дер эдилар.

Агар ёқмайдиган нарсани кўрсалар, «Алҳамду лиллаҳи ъалаа кулли ҳаал» (*Ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга ҳамд бўлсин*), дер эдилар.

*Ибн Можа ва Ибн Суннийлар яхши иснод ила ривоят қилишиган. Имом Ҳоким эса сахиҳ иснод, деганлар.*

رجل وابنه كانا يُعذبَان،  
فُضْرِبَ الْأَبُ ضرباً شدِيداً فصبر،  
فَلَمَا ضُرِبَ ابْنَهُ جَزَعَ الْأَبُ وَبَكَى،  
فَقَيْلَ لِمَ ذَلِكَ؟

فقال:

ضُرِبَ جَلْدِي فصبرت،  
فَلَمَا ضُرِبَ قَلْبِي لَمْ أصْبَرَ  
رَبُّ ارْحَمَهُمَا كَمَا رَبَيَانِي صَغِيرٌ

سَابِرٌ



3477. Бир ота-болани калтаклашар эди. Ота ҳар қанча қаттиқ калтакланса ҳам сабр қиласар, аммо ўғлига азоб беришса, чидай олмай йиғлар эди. Бунинг сабабини сўрашган эди, «Танамга азоб берилганда сабр қилдим. Лекин қалбимга азоб берилганда сабр қила олмадим», деди.

**Роббим, улар мени гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ӯстирганларидек уларга раҳм-шафқат қилгин», дегин!»** (*Исро сураси, 24-оят*)



3478. Сұхбат қоғида телефон билан машғул бўлишнинг макрухлиги

*Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
 «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир узукни олиб тақдилар. Сўнгра: «Мана шу нарса мени кун бўйи сизларга гапиришдан машғул қилиб қўйди. Унга бир қарайман, сизларга бир қарайман», дедиларда, кейин уни ташлаб юбордилар».


*Имом Насаий ривояти.*

Бинобарин, сұхбатдошларидан чалғитувчи нарсага машғул бўлмаслик набавий одоблардан бири экан. Айниқса ота-онанинг ҳузурида!



3479. Уч хил қалбда ҳикмат бўлмайди:

1. Фами ризқ топиш бўлган қалб.
2. Одамларга ҳасад қилувчи қалб.
3. Мансаб ва обрўни севган қалб.



3480. Шеър (насрий баён):

Сенга ато қилинган нарсадан фойдалан. Мол-дунё — бир муддат фойдаланишга берилган нарсадир. Замон уни (бир бошдан кемириб) еяпти, сен ҳам уни у билан бирга егин. Йўқотилган, қўлдан кетган нарсанинг энг арзимаси — одамларга фойдасиз нарсадир□

«Унваанул байаан» китобидан



## 3481. Бирор нарсадан шумланганда айтиладиган зикрлар

*Урва ибн Омир Жұханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шумланиш ҳақида сўрашди. У зот шундай дедилар: «**Унинг тўғриси некбинликдир. Шумланиш мусулмонни ортга қайтара олмайди. Бирор нарсадан шумлансангиз, «Аллоҳумма! Лаа йа-тий билҳасанаати иллаа ант, ва лаа ҳазҳабу бис-сайи-аати иллаа ант, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах» (Аллоҳим! Сенсиз яхшилик келмайди. Сенсиз ёмонлик келмайди. Куч-қувват фақат Аллоҳ биландир) денглар».**

*Ибн Сунний ва бошқалар ривояти.*

*Муовия ибн Ҳакам Сулмий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Эй Аллоҳнинг Расули! Бизда баъзилар шумланишади», дедим. У зот: «**Бу уларнинг қалбида бор нарса, уларни тўсиб бўлмайди**», дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

نیتك الصالحة تقودك إلى الخير أكثر من  
عملك، اوجد نية الخير في قلبك يوجد الله  
لک الخير في عملك .

اترك آثر

3482. Яхши ниятинг амалингдан кўра кўпроқ хайрли ишга чорлайди. Яххиси, қалбингда яхши ниятни барпо қил, Аллоҳ амалингни ҳам яхши томонга йўллайди. Қилаётган ишингнинг (бу дунё ва охиратда) асари қолсин!



3483. Ҳар куни эрталаб, эри ризқ топиш учун кўчага чиқиб кетаётганида: «Аллоҳдан қўрқинг! Биз очликка сабр қиласиз, лекин дўзахга чидай олмаймиз», деб кузатиб қўядиган аёл хақиқий неъматдир.



3484. Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:  
«Мусулмон биродаримнинг ҳожатини чиқариш мен учун бир ой эътикофдан яхшироқ».



3485. Луқмони ҳаким ўғлига шундай насиҳат қилди:

Ўғлим! Нопок кишининг иффати (ёмонликлардан сақланиш), садоқати йўқ кишининг мардлиги йўқ. Илмдан манфаатли хазина, одобдан фойдали нарса йўқ. Ақлдан зийнатли дўст, ўлимдан яқинроқ ғойиб йўқ. Ростгўйликдан фойдалироқ ҳеч нарса, ёлғондан ёмонроқ ҳеч гуноҳ йўқ. Сукутдан афзал ибодат йўқ, баҳилликдан хунукроқ уят йўқ□

«Унваанул байаан» китобидан



3486. Улов сотиб олганда ва қарзини узаётганда айтиладиган зикрлар

Уларнинг пешонасига қўл қўйиб,

**«Аллохумма! Инний ас-алука хойроҳу ва хойро маа жубила алайх, ва аъуузу бика мин шарриҳи ва шарри маа жубила алайх»** (*Аллоҳим, мен унинг яшиилигини ва унда яратилган яшииликни сўрайман. Унинг ёмонлигидан ва унда яратилган ёмонликдан Сендан паноҳ тилайман*), дер эдилар.

### Ҳаммомга кираётганда айтиладиган зикрлар

Ҳаммомга кираётганда Аллоҳнинг исмини айтиб, Ундан жаннат сўраб, дўзахдан паноҳ тилаш мустаҳабдир.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳ азза ва жалланинг жаннатини сўраб, дўзахидан паноҳ тилаб кирилган ҳаммом қандай яхши!**» дедилар.

Иbn Сунний заиф иснод билан ривоят қилганлар.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعراوي

وقفة ((( ))))

هل تؤثر فيك عبارة (أن الله يراك)  
كما تؤثر فيك عبارة  
(المكان مراقب بالكاميرات)

راجع نفسك !!!

3487. «Аллоҳ сени қўриб турибди» деган ёзув сенга «Бу жой камера кузатувида» деган ёзувчалик таъсир қиласидими? Ундей бўлмаса, ўзингни бир сарҳисоб қил!

”ليس من الضروري أن يكون  
كلامي مقبول ، من الضروري  
أن يكون صادقاً“

سفر(١)



3488. Айтган сўзларим мақбул бўлиши шарт эмас. Улар сидқидилдан айтилган, ҳаққоний бўлса бўлди.

## كيف تعرف حالك في قبرك؟

**حال العبد في القبر كحال القلب في الصدر، نعيماً وعداً، وسجناً وإنطلاقاً؛ فإذا أردت أن تعرف حالك في قبرك، فانتظر إلى حال قلبك في صدرك:**

- ❖ فإذا كان قلبك ممتلئاً بشاشة وسكونة وطهارة، فهذا حالك في قبرك -  
بإذن الله؛ والعكس صحيح.
- ❖ ولهذا تجد صاحب الطاعة وحسن الخلق والسماحة أكثر الناس طمأنينة  
❖ فالإيمان: يذهب الهموم، ويزيل الغموم، وهو قرة عين الموحدين، وسلوة العابدين.


**■ من أداء التسبيح انفرجت أساريره.  
■ ومن أداء الحمد تتابتت عليه الخيرات.  
■ ومن أداء الاستغفار فتحت له المغاليق.**

[«الداء والدواء» (١٨٨٠، ١٨٧)]

3489. Қабрда қай аҳволда бўлишингни биласанми?

Банданинг қабрдаги ҳолати кўксидаги қалбининг неъмат, азоб, маҳбуслик ва эркинлик ҳолати кабидир. Қабрдаги аҳволингни билмоқчи бўлсанг, қалбингнинг ҳолатига қара! Қалбинг шодлик, хотиржамлик ва покликка тўла бўлса, Аллоҳнинг изни или қабрдаги ҳолатинг ҳам шундай бўлади. Акси бўлса, аксинча бўлади. Шунинг учун тоат-ибодатли, яхши хулқли, бағрикенг одамлар энг хотиржам зотлар эканини кўрасан. Иймон ғам-гусса ва тангликни кетказади.

Иймон Аллоҳни ягона деб билганларнинг кўз қувончидир. Иймон обидларнинг тасаллисиdir. Доим тасбех айтган одамга сирлар кашф бўлади. Доим ҳамд айтган одамга пайдарпай яхшиликлар кела бошлайди. Доим истифор айтган одамнинг қаршисида ёпиқ эшиклар очилади.



### 3490. Шеър:

«Султонлар хузурига ҳозирланганингда лиbosларнинг энг улуғи бўлмиш эҳтиёткорлик тўнини кийиб ол. Бу даргоҳга кираётганингда кўр, чиқаётганингда эса соқов бўл».

«Унваанул байаан» китобидан



3491. Карз олган киши қарзини узаётганда: «Баарокаллоҳу лака фий аҳлика ва маалика ва жазаака хойро» (*Аллоҳ аҳлингга ва молингга баракот береб, яхшиликни мукофот қилсин*), дейди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


بأبي أنت وأمي يا سيد رسول الله.. إنْ كان  
موسى عليه السلام أعطاه الله حَجَراً تتفجر منه  
الأنهار، فليس بأعجب من أصابعك حين نبع من  
بينها الماء

3492. Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Агар Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга тош ато этиб, ундан анҳор оқизиб кўйган бўлса, сизнинг бармоқларингиз орасидан сув булоқ бўлиб оққани ундан кам эмас!

الجاهل الحي ميّت،  
والعالم الْمِيّت.. حي!

جمال الدين

3493. Жоҳил тирик бўлса-да, ўлиқдир. Олим вафот қилган бўлса-да, тириқдир.



### 3494. Номаҳрамларга қараш ҳақида:

Инсонга етадиган аксар кўргиликларнинг асли қарашдир. Қараш зеҳнни ишлатиб, хотирада қолади. Хотирадан фикр туғилади. Фикр эса шахватни, шахват эса иродани олиб келади. Сўнгра у кучайиб, жазм қилинган қасдга айланади. Оқибатда ҳеч ким тўхтата олмайдиган амалга айланади. Шунинг учун кўзни номаҳрамларга қарашдан тийишда сабр қилиш тиймаслик оқибатида балога сабр қилишдан осонроқдир.



### 3495. Ҳаётлигига йўл кўрсатган ҳар бир одам ҳам ҳақиқий йўлбошчи бўлавермайди. Ҳақиқий йўлбошчи ортидагиларнинг йўлини ёритувчи чироқ қолдириб кетган зотдир.



### 3496. Уловда ўтира олмаган кишининг дуоси

*Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга отда маҳкам ўтира олмаётганимдан шикоят қилган эдим, қўллари билан кўксимга уриб, «**Аллоҳумма, саббитху важъалҳу ҳаадиян маҳдийя**» (*Аллоҳум, уни собит қилгин ва ўзгаларни ҳам ҳидоятга етакловчи ҳидоятли қилгин*), дедилар.

*И мом Бухорий ва Муслим ривояти.*

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

بأبي أنت وأمي يا سيد رسول الله.. لئن كان  
سلیمان عليه السلام أعطی ریحاً غدوها شهر  
ورواحها شهر، فليس بأعجب من البراق حملك  
لبيت المقدس بليلة

3497. Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Сулаймон алайхиссаломга эрталаб бир ойлик, кечқурун бир ойлик масофани босиб ўтадиган шамол бўйсундирилган бўлса, тунда сизни Байтул Мақдисга элтиб қўйган Буроқ ҳам ундан кам эмас!



3498. Дуру гавҳар тошларга тўлдирилган сандиққа майда тош сифмаганидек, ҳикмат тўла қалбга майда-чуйда нарсалар сифмайди.

علماء المسلمين عام ٧٠٠ هـ ، عندما  
 ذكروا مسألة حكم تارك الصلاة . قالوا  
 هذه مسألة افتراضية لا وجود لها في  
 الواقع ، فلم يتصوروا مسلماً لا يصلی !  
**« حالتنا يرثى لها »**

عامر القحطاني

3499. Ҳижрий 700 санада мусулмон уламоларига намоз ўқимайдиган кишининг ҳукми зикр қилинганида, «Бу масала ифтиrozий, яъни ҳали воқеликда содир бўлмаган иш», деб

жавоб беришган, чунки улар намоз ўқимайдиган мусулмонни тасаввур қила олишмаган.



3500. Мардлик, олижаноблик фақат ақлга, ақл әса тажрибага әргашади. Ақлнинг илдизи – собитлик, меваси саломатлиқдир. Тавфиқнинг илдизи – ақл, меваси әса ғолибликдир.

*«Унваанул байаан» китобидан*



3501. Ризқнинг кенглиги – меҳнатнинг кўплиги билан, умрнинг узоқлиги ою йилларнинг кўплиги билан бўлмайди. Ризқнинг кенглиги ва умрнинг узоқ бўлиши барака биландир.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

بأبي أنت وأمي يا سيد رسول الله.. جالست  
الفقراء، ولبس الصوف، وركبت البغل والحمار،  
وأكلت طعامك على الأرض، ولعقت أصابعك بعد  
طعامك تواضعا

3502. Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг расули! Сиз камбағаллар билан ҳам ўтирадингиз, оддий жун кийим ҳам кияверардингиз, хачир ва эшак миниб ҳам кетаверардингиз, ерда ўтириб овқат ер эдингиз, овқатдан кейин тавозе билан бармоқларингизни ялаб ҳам қўяр эдингиз...



3503. «Аллоҳнинг изни билан, эртанги кун бугундан яхши бўлади» деган сўз Аллоҳга кучли ишонадиган зотларнинг сўзиdir. Сен ҳам шу сўзларни айтиб юргин, унинг самарасини қалбингда ҳам, ҳаёtingда ҳам топасан!



3504. Намоз – инсондаги ҳаяжон ва безовталикни бартараф қилувчи энг кучли воситадир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «**Инсон бетоқат қилиб яратилган. Унга ёмонлик етиб қолса, бесабрлик қиласи. Яхшилик етса, баҳиллик қиласи. Фақат намоз ўқувчиларгина намозларида барқарор зотлардир**» (*Маориж сураси, 19-23-оятлар*).



3505. Шундай ўғрилар борки, уларни ҳеч ким жазога тортмайди. Улар вақт ўғриларидир.



عن أبي هريرة - رضي الله عنه - قال :  
قال رسول الله - صلى الله عليه وسلم - :

**المرء على دين خليله  
فلينظر أحدكم من يخالل**

[رواء أبو داود (4833) ، واثماني (2378)]

[katrat.ihsan](#)



ساهر بنشر البطاقة فالحال على الخير كفاعله

3506. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши дўстининг динида бўлади. Инсон ким билан дўстлашаётганига қарасин», дедилар.

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

Шунинг учун «Дўстинг кимлигини айтсанг, кимлигингни айтиб бераман» дейишади.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

لا يمكن أن ترى صورتك في الماء وهو  
يغلي !!  
وكذلك لا يمكن أن ترى الحقائق وأنت  
غاضب !!  
انتظر حتى تهدأ !  
ثم أعط قرارك كي لا تندم

3507. Қайнаб турган сувда аксингни кўра олмаганингдек, ғазабланганингда ҳам ҳақиқатни кўра олмайсан. Ўзингни босиб, ғазабдан тушгачгина қарор қабул қилсанг, афсус қилмайсан.




3508. Қуръондаги ушбу оятга эътибор берайлик:  
**«Қадам событ бўлганидан сўнг тоймасин»** (*Наҳл сураси, 94-оят*).

Аллоҳ таоло «Иккилангандан кейин тоймасин», демаяпти, балки «Собит бўлгандан кейин тоймасин», деяпти.

Ҳаёт синовлардан, фитналардан иборат. Доим событқадам бўлиб туриш жуда қийин. Собитқадамлик ваъз-насиҳатларга кўп қулоқ солиш билан бўлмайди, балки ўша ваъзларга амал қилиш билан юзага чиқади.

**«Ўзларига қилинган панд-насиҳатларга амал қилғанларида, ўзларига яхши бўлар эди, саботлари кучаяр эди»** (*Нисо сураси, 66-оят*).

Шунинг учун ушбу дуони доим такрорлаб туриш лозим:  
**«Йаа муқоллибал қулууб! Саббит қулуубанаа ъалаа дийник»** (Эй қалбларни ўзгартирувчи! Қалбларимизни динингда событ қил)



3509. Ҳақиқий қиёфамиз – яширишга уринган ботинимиздир. Кийган кийимимиз ҳам, айтган сўзимиз ҳам эмас. Шундай экан, ботинингга назар сол, фикр юрит, мушоҳада қил, ботинингга яширган нарсаларингни ўрган. Шунда дунёдаги ўрнинг, охиратдаги мақоминг қаерда эканини биласан...

Доктор Мустафо Махмуд



3510. Дунё – заҳар қўшилган асал, ғамга қорилган хурсандликдир. Дунёнинг гуллаб яшнаши сени алдамасин, зийнатлари фитнага солмасин. Чунки дунё – неъматларни суғуриб оловчи, одамларни еювчиидир.

«Унваанул байаан» китобидан

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى  
 (وربك يخلق ما يشاء ويختار ما كان لهم  
 الخيرة)..  
 هذه الحقيقة لو استقرت في الأخلاق والضمائر ،  
 لما سخط الناس شيئاً يحلّ بهم


3511. «Роббинг хоҳлаганини яратиб, хоҳлаганини ихтиёр қилур. Уларда эса ихтиёр ҳаққи йўқдир» (*Қосос сураси, 68-оят*).

Агар ушбу оятнинг ҳақиқати кўнгил ва қалдан жой олса, одамлар ўз ҳаётида содир бўлган нарсаларнинг бирортаси учун ғазаб қилмаган бўлишар эди...



3512. «Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Муслим» китобларини дарс қилиб ўтирганлар ҳузурига бир одам келиб, «Европаликлар ойга чиқишияти! Сизлар бўлса ҳалиям мана шу китобларни ўқиб ўтирибсизлар!» деди. Шунда улар: «Нима бўпти? Махлук махлукнинг ҳузурига чиқса чиққандир. Аммо

биз бу китоблар билан Холиқнинг ҳузурига чиқмоқичимиз», деб жавоб беришди.



### 3513. «Экаётган зироатларингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганимисиз?


**Уни сизлар ундириб-ўстирасизми ёки Биз ундирамизми?**

Хоҳласак, уни қуруқ хас-хашакка айлантириб қўйган бўлур эдик, «Биз зиёнда қолдик! Йўқ, бизлар маҳрум бўлдик!» деб надоматда лолу ҳайрон қолардингиз» (*Воқеъа сураси, 63-67-оятлар*).



3514. Хиёнатни вафо билан, ёлғонни ростгүйлик билан, зулмни кечириш билан муолажа қилғин. Ахир дардни даво билан бартараф қилинади-ку!

رسالة إلى كل من يقول:  
أ يريد تأمين مستقبل أولادي !!  
دخل مقاتل بن سليمان "رحمه الله ، على الخليفة ابو جعفر المنصور يوم بُويع  
بالخلافة، فقال له "المنصور" عظني يا "مقاتل" !  
اعطك بما رأيت أم بما سمعت؟  
قال: بل بما رأيت. قال: يا أمير المؤمنين ! إن عمر بن عبد العزيز أنجب أحد عشر  
 ولاداً وترك ثمانية عشر ديناراً ، لكن بخسدة دنانير ، واشتري له قبر باريضة دنانير  
وزوج العباقي على أبياته . وهشام بن عبد الملك أنجب أحد عشر ولاداً ، وكان نصيب  
 كل ولد من التركة ألف دينار . (أي مليون) والله... يا أمير المؤمنين : لقد رأيت في  
 يوم واحد أبناءه ، عمر بن عبد العزيز يتصدق بمائة فرس للجهاد في سبيل الله ،  
 وأحد أبناءه هشام يتسول في الأسواق . وقد سأله الناس عمر بن عبد العزيز وهو على  
 فرش الموت : ماذا تركت لابنائك يا عمر ؟ قال : تركت لهم تقوى الله . فإن كانوا  
 صالحين فالله تعالى يتولى الصالحين ، وإن كانوا غير ذلك فلن اترك لهم ما يعينهم  
 على معصية الله تعالى . ففتأمل... كثير من الناس يسعى ويكد وينصب ليؤمن مستقبل  
 أولاده ظنا منه أن وجود المال في أيديهم بعد موته أمان لهم ، وغفل عن الآثار العظيم  
 الذي ذكره الله في كتابه:  
**وَلِئِنْ خَلَقْتَمِنْ خَلْقَهُمْ ذُرَيْهُ ضَعَافًا خَافُوا عَلَيْهِمْ فَلَيُقْتَلُوْهُ اللَّهُ أَلَّا يَقُولُوا قُولًا**



3515. Фарзандларимнинг келажагини таъминлаб қўяй деганлараг мактуб:

«Халифа Абу Жаъфар Мансурга байъат қилинган куни унинг ҳузурига Муқотил ибн Сулаймон роҳимаҳуллоҳ ҳам кирдилар. Абу Жаъфар: «Эй Муқотил! Менга насиҳат қилинг», деди. Муқотил: «Кўрганимдан насиҳат қилайми ёки эшитганимданми?» деди. Абу Жаъфар: «Кўрганингиздан насиҳат қилақолинг», деди. Муқотил шундай деди:

«Умар ибн Абдулазизнинг ўн битта фарзанди бор эди. У вафот қилганда ўн саккиз динор мерос қолди. Шундан беш динори кафанга, тўрт динори дағнга кетди. Қолган мерос ўша фарзандларига тақсимланди.

Ҳишом ибн Абдурраҳманнинг ҳам ўн битта фарзанди бор эди. Қолдирган мероси тақсимланганда ҳар бир фарзандига миллион динордан улуш тегди.

Кўрганим шуки, Умар ибн Абдулазизнинг фарзандларидан бири Аллоҳ йўлида мингта от садақа қилганини кўрдим.

Кўрганим шуки, Ҳишомнинг фарзандларидан бирини бозорда тиланчилик қилиб юрганини кўрдим.

Умар ибн Абдулазиз ўлим тўшагида ётганида одамлар: «Эй Умар! Фарзандларингга нима қолдириб кетяпсан?» деб сўраши. Шунда Умар: «Аллоҳга тақво қилишни қолдириб кетяпман. Агар солиҳ бўлишса, Аллоҳ солиҳларни Ўз ҳимоясига олади. Бундан бошқача бўлишса, гуноҳга сарфланадиган маблағ қолдирмаганим яхшим», деб жавоб берди. Кўпчилик йиққан мол-дунёларим мендан кейин фарзандларимнинг келажагини таъминлаб беради, деб ўйлайди, аммо Аллоҳнинг ушбу оятидан ва унда айтилган буюк омонликдан ғафлатда бўлишади:

**«Ўзлари заифҳол зурриётларини ортдан қолдиришдан қандай қўрқсалар, (бошқалар ҳақида ҳам) шундай қўрқсинлар. Аллоҳдан қўрқсинлар ва тўғри сўз айтсинлар» (Нисо сураси, 9-оят).**

## التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

لا تطلبوا من السنّوات أن تكونَ أفضّل  
 كونوا أنتم الأفضل فيها  
 فنحن من نتغيّر أما هي فتزدادُ أرقاماً فقط  
 اللهم أجعلنا ممن زادَ عمره وحسنَ عمله

3516. Кириб келаётган йилнинг яхши бўлишини кутиб ўтирманг. Яхиси, ўзингиз яхшироқ бўлишга интила қолинг. Ўзгаришни инсон қиласи, йил эса битта рақамга кўпаяди, холос.

Аллоҳим! Умри ҳам, солих амали ҳам гўзал бўладиганлардан қилгин!



3517. Барча ёмонликларнинг асли ғафлат ва шахватдир. Аллоҳ таоло айтади:

**«Қалбини зикримиздан ғофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавойи нафсига эргашиб, иши издан чиққанларга итоат қилма» (Каҳф сураси, 28-оят).**

**الإقلال من الضار  
خير من الإكثار من  
النافع .**

الحكمة والعلم

3518. Күпроқ фойда бергандан кўра камроқ зарарни етказган яхши.



3519. Абдуллоҳ ибн Муборак айтадилар: «Энг улкан мусибат – ўзидаги камчиликни била туриб, унга эътибор ҳам бермаслик, хафа ҳам бўлмасликдир».

**تأملوا هذه الأسئلة الثلاثة**



**س ١ : كم شخصاً من قرى شعوذ ذبيج ناقة صالح عليه السلام ؟**  
ج : رجل واحد فقط  
قال تعالى { فنادوا صاحبهم فتعاطى فعمر }

**س ٢ : كم شخصاً شارك في التخطيط والتحرىض ؟**  
ج : ٩ أشخاص  
قال تعالى { وكان في المدينة تسعة رهط يفسدون في الأرض ولا يصلحون }

**س ٣ : على من انزل الله العقاب على هذا الفعل ؟**  
ج : عاقب شعوذ أجمعين  
قال تعالى : { فأخذتهم الرجفة فأصابجوها في دارهم جائرين }

القاتل - والمحرض - والخاطط - والشامت - والراضي - والساكت  
كلهم أخذهم العذاب وحل بهم العقاب

فاحذر من فعل المنكر و اشاعته ونشره او التشجيع على فعله

3520.

Савол: Солиҳ алайҳиссаломнинг түясини сўйишида самудликлардан неча киши бўлган?

Жавоб: Фақат бир киши.

**«Улар шерикларини чақиришиди. У (туяни) тутиб, сўйиб юборди» (Қамар сураси, 29-оят)**

Савол: «Бу фитнани неча киши режалаштириб, уюштирган?

Жавоб: Тўққиз киши.

**«У шаҳарда тўққиз кишилик гурух бўлиб, ер юзида бузғунчилик қилишар, аммо ислоҳ қилишмас эди» (Намл сураси, 48-оят).**

Савол: Уларнинг қилмиши учун Аллоҳ кимларга азоб туширди?

Жавоб: Самуд қавмининг барчасига.

**«Уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилиб тушдилар» (Аъроф сураси, 78-оят).**

Қотиллар ҳам, фитначилар ҳам, уюштирганлар ҳам, бажарганлар ҳам, гиж-гижлаганлар ҳам, ичиқоралар ҳам, рози бўлганлар ҳам, индамай тураверганлар ҳам – барчаси баравар азобга дучор бўлди. Шундай экан, мункар ишларни қилишдан ҳам, уни овоза қилиб тарқатишдан ҳам, бирорларни ўша ишга ундашдан ҳам ҳазир бўл!

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال ابن الصلاح :  
 "قراءة القرآن كرامة أكرم الله بها البشر، والملائكة  
 لم يعطوا ذلك وهي حريصة على استماعه من  
 الإنس"  
 الإتقان للسيوطى [275/1]

3521. Ибн Салоҳ шундай деганлар: «Куръон тиловат қилиш кароматдир. Аллоҳ инсониятни шу ила мукаррам қилган. Фаришталарга бу неъмат берилмагани учун улар уни инсондан эшитишга муштоқдир».

*Имом Суютийнинг «ал-Итқон» китобидан.*



3522. Жаннатни ва ундаги неъматларни арзимас, бир лаҳзалик шаҳват эвазига сотиб юборган кишини қандай қилиб ақлли дейиш мумкин!



3523. Халифа Умар ибн Абдулазиз масжидга кирса, масжиднинг ичидаги коронғида бир киши ётган экан. Умар қоронғида уни кўрмай, оёғи билан туртиб юборибди. Шунда ҳалиги одам: «Бу нима қилганинг, эшакмисан?» деди. Умар: «Йўқ, мен Умарман», деди. Умарнинг ёнидагилар: «Эй мўминларнинг амири, у сизни эшак деди! » дейишиди. Умар: «Эшак демади. Эшакмисан, деди. Мен йўқ деб жавоб бердим-ку», деди.

Аллоҳ Умарни раҳматига олсин!

Нақадар гўзаллик, нақадар ҳалимлик, нақадар тақводорлик!

Сен ҳам одамларга уларнинг ахлоқи билан эмас, ўз ахлоқинг билан муомала қил.



3524. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Укамнинг қорни оғрияпти», деди. У зот: «**Унга асал ичир**», дедилар. Ўша одам яна келган эди, яна: «**Унга асал ичир**», дедилар. У учинчи марта келиб, «Асал ичирдим, (лекин барибир оғрияпти)...» деди. Шунда у зот: «**Аллоҳ рост айтган. Укангнинг қорни ёлғон айтибди. Унга асал ичир**», дедилар. У укасига яна асал ичирган эди, тузалиб кетди».

*И мом Бухорий ривояти.*

Демак, касалликнинг тузалмаслиги дорининг камчилиги эмас экан. Ҳадисдаги одамнинг қорнидаги дард ўтказиб юборилгани учун у зот дорини такрор-такрор ичишга буюрганлар. Набавий тиб қатъий қонун бўлиб, илоҳий ваҳий орқали содир бўлади. Шунинг учун унда шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Набавий тиб шу йўл орқали шифо топишга иймон келтириб, кучли ишонган одамгагина таъсир қилиб, манфаат беради. Қуръон фақат покиза руҳиятли зотлар учун даво бўлганидек, набавий тиб ҳам покиза баданга шифо бўлади.



3525. Англиялик бир кампир 95 ёшида университет дипломини, 98 ёшида эса магистрлик дипломини олди. 100 ёшга кирганида «Ноумидлик – хиёнатдир» номли илк китобини чоп қилди.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

شعيب خطيب الأنبياء  
ومع ذلك قال له قومه: وما أنت علينا بعزيز  
ليس مهم أبداً نظر الناس إليك ولا مكانتك عندهم  
ولكن المهم نظر الله لك ومكانتك عنده

3526. Шуайб алайҳиссалом пайғамбарларнинг имомхатиби бўлганлар. Шу мақомда бўлишларига қарамай, у зотнинг қавми: «Эй Шуайб, агар одамларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қиласр эдик. Сенинг ўзинг биз учун қийматли эмассан», дейишган (*Худ сураси, 91-оят*).

Демак, одамларнинг сенга берган баҳоси ёки уларнинг назидаги мавқеинг муҳим эмас. Аллоҳнинг назари ва У Зотнинг хузуридаги мавқеинг муҳим.



3527. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Энг зийрак одам – ўлимни кўп эслаган, ўлимга яхши тайёргарлик кўрган одамдир», дедилар.

*Табароний ривояти*



3528. Ўтмишнинг гўзал хотираларини эслаш иссиқ ўлкаларга учиб кетаётган турналарга ўхшайди. Уларни ушлаб қола олмайсан, лекин турнақатор бўлиб унишидан ҳузурлана оласан, холос.



3529. Аллоҳ таоло бир бандага яхшиликни ирода қилса, унинг қалбидан ўзининг яхши амалларини кўришни, тилидан хайрли амалларини айтишни тортиб олиб, ўз гуноҳларини кўриш билан овора қилиб қўяди.



3530. Бу дунёда яхши амалларга дангасалик қилганинг ёки уларни узрсиз кечиктирганинг учун охиратда ҳали қўп пушаймон бўласан.

التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

انصح بأفضل أسلوب  
وادع بالحكمة  
ولتكن موعظتك حسنة  
وكن لينا مع من تدعوه  
فدورك هو قوله تعالى  
{إنما أنت مذكر، لست عليهم بمسيطر}

3531. Энг афзал услубда насиҳат қил, ҳикмат билан ваъз қил. Мавъизанг чиройли бўлсин, даъват қилаётган кишингга мулоим бўл, зиммангдаги масъулият Аллоҳнинг қуидаги оятидагидек бўлсин: «**Панд-насиҳат қилинг!** Зотан, сен панд-насиҳат қиласиз, холос. Сен улар устидан зўравонлик билан ҳукм юрита олмайсан» (*Foishia surasi, 21-22-oatlar*).



3532. Кунлар тезроқ ўтсин дебман-у, умрим ҳам қисқаришини унутибман.



3533. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга мўйлабни қайчилаш, тирноқларни олиш, қириниш ҳамда қўлтиқлар остини юлиш учун вақт тайин қилиб, қирқ кундан ўтказиб юбормаслигимизни таъкидладилар».

*Имом Муслим ва Термизий ривояти.*



3534. Ҳали шундай амирлар келадики, одамларни суннатга муҳолиф бўлишга чақиришади. Оқибатда одамлар

дунёсидан қўрқиб, уларга эргашади. Ана шунда Аллоҳ улардан иймонни тортиб олиб, камбағаллик бериб қўяди.

*Ҳасан Басрий*



3535. Бир ҳаким зотдан: «Ҳақ бўлса ҳам, айтилиши унча хушланмаган нарса нима?» деб сўрашди. У зот: «Одамнинг ўзини мақташи», деб жавоб берди.

#### التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوى

هل تعاني من شعث وتشتت القلب؟  
ضع الجوال في المنزل.. واجلس في المسجد بعد  
الصلوة خالية.. وسبح الله.. وتذكر قرب لقاء الله..  
وسترى الصفاء يهبط.

3536. Ҳаётингнинг тартибсизлигидан, қалб безовталигидан азоб чекаётган бўлсанг, қўл телефонингни уйда қолдиргин-да, намоздан кейин масжидда холи қолиб, тасбех айт. Аллоҳга йўлиқиши фурсати яқин қолгани ҳақида

ўйла. Шунда ҳаётингга тиниқлик ва мусаффолик ёғилишини кўрасан.



3537. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларни кулдириш учун ёлғон-яшиқ гапирувчи кимсанинг ҳолига вой бўлсин, вой бўлсин», дедилар.

*Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривояти.*



3538. Ота-онага яхшилиқ қилиш шундай бир қиссаки, сен бу қиссани ўз қўлинг билан ёзасан, кейин эса уни сенга фарзандларинг сўзлаб беради. Шундай экан, бу қиссани чиройли ёз!



3539. Одамларнинг мушкулини осон қилишга сабабчи бўлгин, шунда Аллоҳ сенинг мушкулинг осмон бўлиши учун сабабларни тўғрилаб қўяди.

Tweet


د. جاسم المطوع

رباعية الحفاظ على طفلك

- ١- يأخذ كفايته من النوم
- ٢- يلعب رياضة ويستمتع باللعب
- ٣- يتناول طعام صحي
- ٤- يقرأ قرآن كل يوم

3540. Боланинг (соғлиги ва руҳиятини) муҳофаза қилиш (ҳамда унинг руҳан ва жисман яхши ривожланиши) учун тўрт тавсия:

1. Етарли ухлаш.
2. Кўп ҳаракат қилиш ва ўйинчоқ ўйнаш.
3. Табиий (витаминаларга бой) овқат ейиш.
4. Ҳар куни Куръон ўқиб, ёд олиш.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال سفيان الثوري :  
 إنك أَنْ تلقِي اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ بِسَبْعِينَ ذَنْبًاً فِيمَا بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ أَهْوَنُ عَلَيْكَ مِنْ أَنْ تلقِاهُ بِذَنْبٍ وَاحِدٍ فِيمَا بَيْنَكَ وَبَيْنَ الْعِبَادِ .

3541. Суфён Саврий шундай деган: «Сен билан бандалар ўртасидаги гуноҳ билан Аллоҳ таолога рўпара бўлганингдан кўра У Зот билан ўртангдаги гуноҳ билан рўпара бўлганинг енгиleroқдир».




3542. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кайси бирингиз оиласи тинч, тани соғ ва бир кунлик ризқи бор ҳолда тонг оттирса, гўёки бутун дунёни қўлга киритибди», дедилар.

*Термизий ва Ибн Можса ривояти.*



3543. Охират тижорати ҳам бу дунёдаги тижоратга ўхшайди, унинг ҳам ғанимат мавсумлари бор.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳолда қилинган ривоятда: «**Совуқдаги ғанимат – қишида тутилган рўзадир**», дейилган.



3544. Ҳаким зот дунёдан ўтиб кетса ҳам, унинг китоблари қолади. Донишманд одам оламдан ўтса ҳам, унинг изи қолади.

### الحكمة من ابتلاء الله لعبده بالمحن

إن الله تعالى لم يبتله ليهلكه . وإنما ابتلاه  
ليمتحن صبره وعبوديته ، فإن لله تعالى على  
العبد عبودية في الضراء ، كما له عليه عبودية  
في السراء ، وله عليه عبودية فيما يكره كما له  
عليه عبودية فيما يحب ، وأكثر الخلق يعطون  
ال العبودية فيما يحبون ، والشأن في إعطاء  
ال العبودية في المكاره ، ففيه تفاوت مراتب  
العباد . وبحسبي كانت منازلهم عند الله تعالى

الواجل الصيب

3545. Аллоҳ таоло нима учун бандасини мاشаққат билан синайди? Бунинг ҳикмати қуидаги:

Аллоҳ таоло бандасини ҳалок қилиш учун синамайди, балки униг сабри ва Аллоҳга қанчалик банда эканини имтиҳон қилиш учун синайди. Банда Аллоҳ учун кенгчиликда бандалик қилганидек, танглиқда ҳам бандалик қилиши керак. Банда ўзи яхши кўрган ҳолатда бандалик қилганидек, ўзи ёқтирган ҳолатда ҳам бандалик қилиши керак. Бу синовлан мақсад банданинг қийинчиликда ҳам қойилмақом бандалик қилишини билишдир. Демак, бу борада бандаларнинг мартабалари турлича бўлади. Уларнинг Аллоҳ хузуридаги мавқелари ана шу асосда ҳисобланади.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال مالك بن دينار :  
 (خرج أهل الدنيا من الدنيا ولم يذوقوا  
 أجمل ما فيها )  
 قيل : وما هو؟ قال معرفة الله تعالى

3546. Молик ибн Динор: «Одамлар дунёдаги энг гўзал нарсадан баҳраманд бўлмай ўтиб кетишаپти!» дедилар.

«Нима у, дунёдаги энг гўзал нарса?» деб сўрашди. Молик: «Аллоҳнинг маърифати, яъни Аллоҳни таниш», деб жавоб бердилар.



3547. Агар дунёда қўлдан бой берилган нарса учун йиғлаш жоиз бўлса, инсон Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага кириб келган кунлари Мадина аҳлидан бўлмагани учун йиғласин.

(Мадина аҳли бўлмиш ансорлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга ва мухожир сахобаларга инсоният тарихида мисли кўрилмаган ёрдам ва кўмак беришган)


Tweet

"فَأَلْهِمْهَا فَجُورُهَا وَتَقْوَاهَا"  
 في كل إنسان جوانب خير ونوازع شر..  
 استغل طاقات الخير في مقاومة النفس الإمارة  
 بالسوء.

Amr Khaled

3548. «Жонга ва уни расо қилиб яратиб, унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилган Зотга қасамки, дарҳақиқат, уни (яъни нафсини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Уни (фисқ-фужур билан) кўмиб, хорлаган кимса ноумид бўлди» (*Шамс сураси, 8-10-оятлар*).

Хар бир инсонда яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам мойиллик хусусияти бор. Ёмонликка ундовчи нафсингга қарши курашда яхшиликка ундовчи нафсингдан фойдалангин, азиз инсон!



3549. Аллоҳ таоло бандаларини қийинчилик ҳамда бало-оғат дориси билан даволамаганида, одамлар түгёнга кетиб, жабр-зулм қилиб, кибру-хавога берилиб кетишар эди.



3550. Золим надомат чекади. Гарчи одамлар уни мақтаса хам.

Мазлум омон бўлади. Гарчи одамлар уни ёмонласа ҳам.  
Қаноатли инсон бой бўлади. Гарчи у оч бўлса ҳам.  
Очкўз камбағал бўлади. Гарчи мулки бўлса ҳам.

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

كم ستقاجئنا الآخرة بمشاهير  
كانوا مغمورين في الدنيا!  
وكم ستقاجئنا بمحقورين  
كانوا من مشاهير الدنيا  
الشهرة الحقيقية هناك لا هنا  
(حافظة رافعة)

3551. Охиратда қанчадан-қанча машхур кимсаларга йўлиқамиз, ваҳоланки улар дунёда номаълум ва оддий бўлишган. Охиратда қанчадан-қанча эътиборсиз ва хор кимсаларга йўлиқамиз, ваҳоланки улар дунёда машхур бўлишган. Ҳақиқий шуҳрат бу дунёдаги эмас, охиратдагисидир.

**«Хор қилувчи ҳам, азиз қилувчи ҳам Аллоҳдир»**  
(Воқеъа сураси, 3-оят)

Дўзахга элтувчи машхурликдан-да  
Афзалдир соддалиқ, оддий иймонлик,  
Ки бу соддаликнинг оқибатинда  
Охират юртинда топсанг омонлик!



3552. Нафснинг аланга олган оловини совитиш учун сув сепишга муҳтоҗмиз.

لاتحمل هم الدنيا فإنها لله  
 ولا تحمل هم الرزق فإنه من الله  
 ولا تحمل هم المستقبل فإنه بيد الله  
 فقط أحمل هما واحدا  
 كيف ترضى الله

3553. Дунёнинг ғамини елкангга ортиб олма, чунки у Аллоҳниридир. Ризқнинг ғамини қилма, чунки у ҳам Аллоҳнинг измидадир. Эртанинг ғамини юклаб олма, у ҳам Аллоҳнинг изни остидадир.

Аллоҳни қандай рози қиласман деган битта ғамни кўтаргин, барака топкур!



3554. Муваффақият қозониб, ғалабани қўлга киритишнинг энг кучли сири қуидаги оятда мужассамдир:  
**«Бир қавм ўзини ўзгартирмагунича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас» (Раъд сураси, 11-оят).**



3555. Зулм қилган одамга ҳалимлик қиласиган, аммо қурби етганда қасос оладиган одам ҳалим эмас. Зулм қилган одамгда ҳалимлик қиласиган, аммо қурби етганида ҳам кечириб юборган одам ҳалимдир.